O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 8-noyabr, chorshanba * № 45 (1056) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www hurriyat.uz

### НАВНИҲОЛНИ ЭГМАНГ!

Дейлик, кўрсатувнинг бир сонида 5-6 та бола иштирок этса, уларнинг икки нафари танлаб олинса, қолганлари тушкун, хафа кайфиятда уни тарк этишади. Шу ўринда бир мантиқли савол туғилади: иқтидорни танлаш мумкинмикан ўзи?!

⇨ 4-бет

### БОЛАНГ НЕЧА ПУЛ, ОНА?!

Мазкур тасвир Тоғай Муроднинг ХХ аср ўзбек зиёлиларининг кўргиликлари, дард-аламлари, фожиалари ҳақида сўз юритувчи "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" романидан бир парча эди. Унда қизини боқолмай қийналиб қолган эшон келини аслида нон учун ўз боласини бозорга солаётган эмасди.

⇨ 6-бет

### МУҲАББАТГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

Ҳамманинг қўлида олтин кузнинг ранг-баранг гуллари. Барчанинг тилида Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг шеърлари, қўшиққа айланган ашъори. Бутун поездимиз гоҳ Ҳамид Олимжоннинг "Ўрик гуллаганда", гоҳ "Ўзбекистон" шеърига басталанган қўшиқларини авж олдиради. Зулфияхонимнинг эса "Баҳор келди сени сўроқлаб"ини, "Сени куйлайман, ҳаёт"ига улаб юборамиз.

⇨ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✓ **7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувввватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарорлари матбуотда эълон қилинди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 ноябрь куни ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь куни МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этган Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов, Арманистон Бош вазири Карен Карапетян ҳамда Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Эюбов билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 3 ноябрь куни 25 йил тўлиши муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Бакитжан Сагинтаев, Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков ва Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.**



# ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Илдизлари мустаҳкам дарахт кўкка бўй чўзади. Тарихини билган, қадрлаган халқнинг мартабаси баланд, келажаги буюк бўлади.

Мамлакатимиз бутун дунёда ана шундай ҳурмат-эътибор қозонган. Ўтганлар руҳини шод этиш, хайрли ишларини эслаш ва улуғлаш миллий қадриятимизга айланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларнинг, миллий ғурур-ифтихорнинг юксак намунаси бўлди.

6 ноябрь – Шароф Рашидов туғилган куни Жиззахда ушбу санага бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Дастлаб эҳсон дастурхони ёзилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Жиззах шаҳри марказида ўрнатилган Шароф Рашидов ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, адабиёт ва санъат намояндалари, вилоят аҳли, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар, ёшлар иштирок этди. Шароф Рашидовнинг фарзандлари, дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ва бошқа яқинлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти, юксак инсоний фазилатлари, халқимиз манфаатлари йўлидаги буюк хизматлари ҳақида сўз юритди.

Шароф Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Жиззах шаҳрида туғилган. Жиззах педагогика техникуми, Самарқанд давлат университетининг филология факультетида ўқиган. Фаолиятини Самарқанд вилояти газетасида бошлаб, билим ва қобилияти юксаклиги боис университетнинг охирги курсида ўқиб юрган давридаёқ ушбу газетага муҳаррир бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан 1942 йил ярадор бўлиб қайтган. Ўттиз ёшида республиканинг ўша пайтдаги энг нуфузли нашри – «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб тайинланган.

2-бет

»ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ УЮШМАСИДА

## КЕНГАШЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасида Уюшма қошидаги кенгашлар фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республикамиз ОАВда соҳаларга ихтисослашган бир гуруҳ фаол журналистлар иштирок этди.

Йиғилишни ЎзЖИУ бошқаруви раиси С.Ҳакимов бошқарди. Жумладан, у тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг шу йил август ойида ижодкорлар билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши баённомаси ва унда алоҳида кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар, жамият тараққиётининг янги босқичида миллий журналистика олдида турган ўта муҳим масалалар ҳақида тушунча берди. Шунингдек, у ана шу тарихий учрашувдан сўнг, қисқа вақт оралиғида соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилингани, ЎзЖИУ фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси уюшмага ҳомий этиб белгилангани, қисқа муддат оралиғида томонлар ўртасида "Дўстлик клуби" тузилгани ва бунинг самараси ўлароқ, уюшманинг кекса, эҳтиёжманд аъзолари ҳолидан хабар олиш, уларга моддий кўмак бериш имкониятлари яратилгани ҳақида тўхталди.

— Соҳани ривожлантиришга давлат миқёсида қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликка биз ўзимизнинг фаол меҳнатимиз билан жавоб беришимиз, янада жонкуярлик ва садоқат билан халқимизга хизмат қилишимиз, токи, журналистларимизнинг тарғибот-ташвиқот борасидаги фаолияти самараси она Ватанимизнинг энг чекка ҳудудларида яшаётган камтарин, камсуқум одамлар турмуш тарзида ўз аксини топсин. Бунинг учун Уюшма фаолиятига таҳлилий нуқтаи назардан ёндашиб, унинг қошидаги кенгашлар ишини янада жонлантиришимиз ва аниқ белгиланган режалар асосида ишимизни ташкил этишимиз зарур, – деди у ўз чиқишида.

Шундан сўнг уюшма қошида иқтисод, ҳуқуқ, ҳарбий ватанпарварлик, спорт, хотин-қизлар ва ёш журналистлар кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

4-бет

*Ҳурматли муштарийлар,*

**2018 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна бошланди.**

**"HURRIYAT"ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**

**Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.**



**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!**

## МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

»ҚАРОР ВА ИЖРО



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланиб, агентлик томонидан ушбу йўналишда қатор ишларни амалга оширилмоқда. Айниқса, китоб тарғиботини, китобхонлик маданиятини юксалтиришга, ахборот-кутубхона фаолиятини янги босқич олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар эътиборга моликдир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китобхонларнинг қизиқиш, талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, кутубхона ресурслари билан тўлдириш билан бирга, турли мавзудаги маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири — бир неча йилдан бери ташкил этиб келинаётган Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигидир.

2-бет

# ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Шароф Рашидов шоир, ёзувчи ва публицист сифатида танилган. Унинг "Чегарачи" достони, "Қаҳрим" шеърлар тўплами, "Икки дил достони" асари, "Бўрондан кучли", "Қудратли тўлқин", "Ғолиблар" каби романлари шуҳрат қозонган. Атоқли адиб 1949 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси этиб сайланган.

У 1959 йил Ўзбекистон раҳбари этиб сайланганида эндигина қирқ ёшдан ошган эди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада қарийб чорак аср фидойилик билан ишлади.

Бу жуда мураккаб, зиддиятли давр эди. Шароф Рашидов шундай шароитда ҳам халқига фарзандлик бурчини адо этди.

Мирзачўл, Қарши, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши, миллионлаб гектар қўриқ ерларда боғ-роғлар ва озиқ-овқат экинларининг жой олиши узоқни ўйлаб амалга оширилган эди. Бу майдонлар бугун ҳам халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон харитасида Навоий, Зарафшон, Янгиер, Гулистон ва бошқа ўнлаб шаҳарлар пайдо бўлди. Республиканинг барча ҳудудида қурилиш ва ободончилик ишлари авж олди. Жуда кўп иншоотлар — заводлар, фабрикалар, шифохоналар, олий ўқув юртлари, йўллар, мактаблар қурилиши, конларнинг очилиши у кишининг номи билан боғлиқ.

Бу даврда пойтахтимиз Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. У, айниқса, Тошкент зилзиласидан кейин янада чирой очди. Тошкент метрополитени, "Истиқлол" санъат саройи, "Ўзбекистон" меҳмонхонаси, Тошкент телеминораси пойтахтимизнинг кўрки ҳисобланади.

Шароф Рашидов ниҳоятда камтар, очиққўнгил одам бўлган. Чўпон билан чўпондек, деҳқон билан деҳқон тилида гаплашган. Ҳар қандай шароитда одамларнинг қалбига йўл топа билган.

Атоқли давлат арбоби раҳбарлик борасида ҳам улкан мактаб яратган. У кишининг донолиги, дипломатлиги, одиллиги ва айни пайтда оддийлиги барча раҳбарларга намуна бўлган.

Шароф Рашидов ўта зиёли киши бўлган. Фарзандларига ҳам пухта сабоқ берган. У кишининг фарзандлари, невара-чеваралари турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Шароф Рашидов вафотидан кейин республиканинг иқтисодий тараққиёти сустлашди. Бу аввало ўша пайтдаги нотўғри сиёсат, қолаверса, халқ обрўли, тажрибали йўлбошчини йўқотганининг оқибати бўлди. Кучли раҳбарсиз, ҳимоячисиз қолган юртимиз ёвуз тажриба майдонига айлантирилди.

Албатта, у ўз даврининг фарзанди эди, ўша пайтдаги тузумга хизмат қилди. Аммо дунёдан ўтганида бу тузум унга хиёнат қилди. Хотирасини таҳқирлади, яқинларини таъқиб этди.

Республика раҳбарлигига Ислом Каримов келгач, барча туҳмат ва таъқибларни тўхтатди. Тарихий адолат тикланди. Унинг пок номи оқланди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланди.

Шавкат Мирзиёев маросимдаги сўзида яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори билан элу юртимизга меҳнати сингган инсонларнинг ҳурмати жойига қўйилмоқда, ўтганлар хотираси улуғланмоқда. Кейинги бир йилда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Тошкент ва Самарқандда Ислом Каримов, Наманган вилоятида Исҳоқхон Ибрат, Хоразм вилоятида Комилжон Отаниёзов, Қорақалпоғистонда Ибройим Юсупов, Фарғонада Эркин Воҳидов, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Андижонда Муҳаммад Юсуф хотиралари абадийлаштирилди. Уларнинг номи билан аталадиган марказлар, ижодий мактаблар ташкил этилди. Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуаси очилди.

Юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги нишонланиши халқимизни беҳад қувонтирди.

Жиззахда бу воқеага катта тайёргарлик кўрилди. Вилоят марказида Шароф Рашидов хиёбони янгидан барпо этилди. 3 гектардан зиёд майдон кўкаламзорлаштирилди. Ҳудудга Бельгиядан келтирилган тоғ қарағайи, қорақайин, лола дарахти каби 20 дан ортиқ дарахт турлари экилди. Диаметри 24 метр бўлган рангли фаввора қурилди.

Хиёбон тўрида кўр тўкиб турган "Ўзбекистон" меҳмонхонаси ҳам реконструкция қилинди. Унинг икки томонида жойлашган "Бўстон" ва "Наврўз" мажмуалари тўла таъмирланиб, йирик анжуманлар ўтказиш учун қулай шароитлар яратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги О.Салимов, меҳнат фахрийси И.Жўрабеков, учувчи-космонавт В.Жонибеков, меҳнат фахрийси Қ.Камалов, академик С.Рашидова Шароф Рашидов билан боғлиқ хотиралари, у кишининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлади.

Шароф Рашидов ҳайкалини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Шароф Рашидовнинг қизи Сайёра Рашидова очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграды.

Шароф Рашидов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шавкат Мирзиёев юбилей арафасида қуриб битказилган Шароф Рашидов мемориал музейида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар ва экспонатлар билан танишди.

Музейга кираверишда Президентимизнинг «Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди», деган сўзлари битилган. Бинонинг ички ва ташқи қисми миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида безатилиб, анжуманлар залида Шароф Рашидов фаолиятига доир фильмларни намойиш этиш имконияти яратилган.

Музейда атоқли давлат арбоби ва ёзувчининг ҳаёт йўли ва ижодига дахлдор 2 минг 700 дан ортиқ экспонат бор. Улар Шароф Рашидовнинг болалик даври, талабалик йиллари, муҳаррирлик даври, Ўзбекистонда чўл ва қўриқ ерларни ўзлаштириш, бунёдкорлик жараёнидаги фаол иштироки, ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолияти ҳамда бошқа мавзуларга бағишланган ўнта бўлимга ажратилган.

Музей ёнига Шароф Рашидов ҳудудларга сафарлари чоғида фойдаланган поезд вагони ўрнатилган. Ундаги шароит ва буюмлар асл ҳолича сақланган.

Музей Шароф Рашидов ҳақида тўлиқ маълумот берадиган, у кишининг руҳини сезадиган жой бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу ерга ўқувчи-ёшларнинг мунтазам ташрифини йўлга қўйиб, турли тадбирлар ўтказиш зарур.

Шавкат Мирзиёев мемориал музей фахрий меҳмонлар китобига ўз фикр ва таассуротларини ёзиб қолдирди. Унда шундай сўзлар бор: «Халқимизнинг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов элюртимиз учун фидойи раҳбар, бетакрор ва беназир шахс эди...

Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам эл-юртимиз манфаатини ўйлаб яшаган Шароф Рашидовнинг буюк хизматлари халқимиз хотирасида абадий сақланиб қолади.

Бугун Жиззах шаҳрида иш бошлаётган Шароф Рашидов мемориал музейи ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади, деб ишонаман».

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 апрелда Жиззах вилоятига ташрифи давомида улкан шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш, асарларидаги эзгу тушунчалар моҳиятини ёшларга етказиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, икки шоир номи билан аталувчи ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда музей халқимизнинг ардоқли фарзандларига кўрсатилган улкан эҳтиром намунаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги «Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан мазкур мактаб-интернат учун 4 қаватли замонавий бино қуриб битказилди. Бу ерда яратилган замонавий шароитлар, 100 ўринли ётоқхона, ошхона, фаоллар зали ўқувчиларнинг муносиб таълим олишига хизмат қилади.

Жиззах шаҳридаги тарихий Хўжа Нуриддин мадрасасида адабиётимизнинг улкан намояндалари Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида музей ташкил этилди. Бунинг учун мадраса биноси тубдан таъмирланиб, тарихий кўриниши тикланди. Мадрасанинг гумбаз қисми сирланган кошин билан қопланди.

Музей экспозицияси мазмуни Президентимизнинг «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» асари ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, улар номи билан аталувчи мактаб-интернат ташкил этиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари асосида шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги хиёбон атрофини янада ободонлаштириш, музей фаолиятини такомиллаштириш, мактаб-интернат моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар берди. Шоирлар ҳайкали пойига гул қўйди.

Атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти мусиқали драма театри ҳам замонавий талаблар даражасида реконструкция қилинди.

Бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари жараёнида театр биносининг олд қисмига замонавий қоплама ва витраж ўрнатилди, йўлакларга керамик плиталар ётқизилди. Бино олдида фусункор фаввора, яшил майсазор барпо этилиб, ҳудудга ноёб манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди.

Бинонинг иситиш тизими, ҳаво алмаштириш, электр, ичимлик суви тармоқлари янгиланди. 550 ўринли томоша залидаги ўриндиқлар, саҳнани ёритиш, овоз кучайтириш ускуналари янгисига алмаштирилди, грим хоналарида зарур шарт-шароит яратилди.

Президентимиз театр биноси билан танишар экан, ушбу замонавий санъат даргоҳи Шароф Рашидовнинг қутлуғ таваллуд санаси нишонланаётган кунда Жиззах вилояти халқига катта туҳфа бўлганини таъкидлади.

Мазкур санъат кошонаси фаолиятини вилоятнинг олис туманларида яшовчи одамлар ҳам сезиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг учун театр ижодий жамоаси салоҳиятини юксалтириш, бугунги замон даражасидаги саҳна асарларини қўйиш устида ишлаш зарур. Шу орқали одамларнинг театрга қизиқишини ошириш, уларнинг маънавиятини тарбиялаш лозим.

Театрнинг вилоят маънавий-маърифий ҳаётидаги ролини ошириш ҳамда самарали ишлашини ташкил этиш мақсадида 2018 йилга мўлжалланган намунавий дастур тузиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу дастурда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун 7 қаватли уй-жой қуриш, актёр ва режиссёрларнинг малакасини ошириш, театрдаги ижодий муҳитни вилоятдаги мусиқа ва санъат мактабларига ҳам ёйиш каби масалалар эътиборга олинади.

Куннинг иккинчи ярмида Жиззах вилояти мусиқали драма театрида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ва концерт дастури бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Унда сенатор ва депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи-шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, адибнинг авлодлари, фахрийлар, ёшлар, адабиёт ихлосмандлари қатнашди.

Шароф Рашидов атоқли давлат арбоби бўлиш билан бирга, улкан сўз санъаткори, моҳир таржимон, инсон қалбининг зукко билимдони эди. Унинг ёшлик, баҳор, гўзаллик, эзгулик, Ватан меҳри тараннум этилган асарлари халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Хусусан, «Кашмир қўшиғи», «Икки дил достони», «Дил амри» каби асарлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган, қатор асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган, спектакллар саҳналаштирилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу сана мамлакатимиз миқёсида катта тантана билан нишонланмоқда. Бу тадбирларда халқимизнинг улуғ адибни қанчалар ардоқлаши, унинг ижодий мероси, одамлар дардига малҳам бўлишдек ўзбекона сифатлари ва фазилатларини қадрлаши намоён бўлмоқда.

Бу адибнинг 100 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган хотира кечаси концертида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Унда юртимиз санъат усталари томонидан миллий ашула ва рақслар, жаҳон санъатининг энг сара асарларидан намуналар ижро этилди.

Ушбу куй-қўшиқлар қалбларда Ватанга муҳаббат, ҳаёт сурури туйғуларини жўш урдирди. Шароф Рашидов сўзи билан айтилувчи «Оламда гуллар яшар», «Ватан фидойиларига», «Дугоналар», «Ёр келур» қўшиқлари, Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг «Ўзбекистон», «Ёшлик чоғимда», «Кел, ассалом» шеърларига басталанган тароналар, халқ ашулалари, жаҳон санъатидан ижро этилган ария ва композициялар тингловчиларга бир олам завқ бағишлади.

Саҳна ортидаги улкан мониторда донишманд инсоннинг болалик ва ёшлик даврлари, уни вояга етказган ота-онаси сиймолари, Шароф Рашидовнинг она Ватанимиз, халқимиз ғурурини кўтариш, юртимизни обод этиш йўлида бутун борлиғини бағишлаган ҳаёти Президентимиз раҳнамолигида ардоқли адиб номини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, бугунги доримон ҳаётимиз акс эттирилган лавҳалар намойиш этилади.

Буларнинг бари ўз элига ва Ватанига фидойи инсоннинг халқимиз юрагидан муносиб жой олгани ва меҳрига сазовор бўлганини намоён қилади.

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда давом этмоқда.

7 ноябрь куни Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида "Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни" мавзуида илмий конференция ўтказилади.

«Жиззах» эркин иқтисодий зонасида Франциянинг "Пежо Ситроен" гуруҳи билан ҳамкорликда автомобиль заводи барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи давомида мазкур замонавий корхона қурилиши билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги "Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» корхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Ўзавтосаноат" АК ва Peugeot Citroen Automotive гуруҳи ўртасида эришилган келишув асосида барпо этилаётган ушбу қўшма корхона Ўзбекистон автомобиль саноатининг истиқболига хорижлик ишбилармонларнинг катта ишончи самарасидир.

Заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган «Пежо Эксперт» ва «Пежо Боксер» тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш режалаштирилган. 600 иш ўрни яратиладиган корхона 2019 йил маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди.

Йилига 16 минг дона замонавий автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулоти ички бозордан ташқари МДҲ мамлакатлари, Эрон, Франция ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Президентимиз қурилиш ишларини жадаллаштириш, сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор қаратиш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Шавкат Мирзиёевга бу ерда ишлаб чиқариладиган автомобиллар намуналари намойиш қилинди.

Шу ерда Марказий Осиёдаги энг йирик ойна ишлаб чиқариш заводи тақдимоти ҳам ўтказилди.

«Жиззах» эркин иқтисодий зонасида барпо этилаётган шишага чуқур ишлов бериш ва йирик ўлчамдаги шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 110 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Хитойнинг «Минъюань силу» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган корхонанинг биринчи навбатини 2017 йил якунигача фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. 2019 йил сентябрь ойида корхона тўла қувватда ишлай бошлайди.

Президентимизга «Ўзқурилишматериаллари» АЖ томонидан Жиззах вилоятида 2017—2018 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

**Анвар САМАДОВ,**
**Абубакр ЎРОЗОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**



ЎзА олган суратлар

# МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳафталикнинг қамрови кенглиги учун ҳам уни нафақат ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари балки кенг китобхонлар ҳам орзиқиб кутадилар. Чунки ҳафталик доирасидаги тадбирларнинг хилма-хиллиги, йилдан-йилга қизиқарли ва мазмундор бўлиб бораётгани учун у кўпчиликнинг эътиборини жалб қилмоқда.

Шу ўринда ушбу ҳафталикнинг тарихига қисқача тўхталадиган бўлсак, дастлаб "Китобхонлик куни" номи билан 2003 йилдан ўтказила бошланган. Ушбу тадбир 2005-2009 йиллар оралиғида "Мутолаа байрами" мавзуидаги тадбирлар туркумида давом эттирилди. 2012 йилдан эса Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги номи билан ўтказилмоқда.

Юқоридагилардан қатъи назар, тадбирнинг мақсади ахборот-кутубхона муассасаларига фойдаланувчиларни кенгроқ жалб этиш, уларнинг илм олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг малака оширишлари, тажриба алмашишлари учун имконият яратишдан иборатдир.

Бу сафарги Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги жорий йилнинг 30 октябридан 3 ноябригача бўлиб ўтди. Ҳафталикда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги, 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳафталик доирасида ўтказилган 50 дан ортиқ тадбирда иштирок этган ҳар бир китобхон, ахборот-кутубхона муассасалари ҳар бир мутахассисининг эътибордан четда қолмади.

Мазкур ҳафталикнинг аввалгиларидан фарқи — моҳияти тубдан янгича бўлган тадбирларнинг ўтказилишидадир. Хусусан, таниқли кутубхонашунос, библиограф, тарихчи, китобшунос ва педагог Евгений Беттер шарафига ўтказилган давра суҳбати "Халқаро кутубхона ҳамкорлиги: янги имкониятлар ва ривожланиш истиқболлари" мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси маълумотлар хизмати маслахатчиси С.Андерсон "Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари", Назарбоев номидаги университет кутубхонаси менежер-эксперти, фан доктори Р.Алензуэла "Кутубхона ассоциациялари халқаро федерациясининг глобал лойиҳалар ва дастурлар шарҳи (ИФЛА)" мавзусида маърузалар ўқишди. Шунингдек, давра суҳбатида Кемерово давлат маданият институти билан видеомулоқот ўрнатилиб, онлайн мулоқот-вебинар ташкил этилди.

Бу йилги ҳафталикда Давлат стандартлари асосида электрон каталогни самарали ташкиллаштириш, ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштириш, предметлаштириш ва туркумлаштириш бўйича малака оширишга мўлжалланган "Каталогизатор мактаби", "Қўлёзмалар ва нодир нашрлар — маърифат ва маданият хазинасига калит" мавзуидаги семинар-тренинг, "Виртуал ва инновацион хизмат кўрсатиш ҳамда АҚШдаги оммавий кутубхоналарда замонавий технологияларнинг қўлланилиши" мавзуидаги семинар ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари учун амалий тажриба алмашиш мактаби бўлди.

Ҳафталик доирасида "Китоб ва мутолаа менинг ҳаётимда" мавзуида Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари, Ўзбекистон Республикаси фан арбоблари — Бахтиёр Назаров, Сойибжон Негматов, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соврииндорлари — Саъдулла Искандаров, Маҳмуд Салоҳиддинов, Ромэн Зоҳидов, Россия ФАнинг И.П.Павлов номидаги мукофот совриндори Бакир Зарипов билан учрашув, "Китоб — билим ва маънавият манбаи" мавзуида шоира Умида Абдуазимова билан ижодий учрашувларда китоб ва китобхонликнинг ўрни ҳақида фикр юритилди.

Бундан ташқари, "Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси", "Ислом Каримов асарлари билимдони" кўрик-танловлари ва "Китоб орқали оламни кашф этаман" мавзуида мактаб ўқувчилари билан дидактик-интерфаол ўйинлар ҳафталикнинг янада кўтаринки руҳда ўтишига сабаб бўлди.

Ҳафталик иштирокчиларида бахши Абдуназар Поёнов билан учрашув, "Кутубхонада шеърият ва мусиқа кечаси" рукнидан Шароф Рашидов ва Комилжон Отаниёзовнинг 100 йиллиги ҳамда Эркин Воҳидовнинг 80 йиллигига бағишланган назм, наср ва наво кечаси кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

**Ободбой ҚИЛИЧБОЕВ,**
**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий методика ва тадқиқот хизматининг бош мутахассиси**

# ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

**ТАДБИР**

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо билан "Икки дарё ўртаси" деб номланган ижодий учрашув бўлиб ўтди.**

Тадбирда "Онажоним — шеърият" тўгараги аъзолари, шеърият ихлосмандлари, ёш ижодкорлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шукур Қурбон ижодий фаолияти ҳақида сўзлади. Иқбол Мирзо ўзининг адабиётдаги илк қадамлари, ижодий фаолияти ҳақида, сўз кучи ҳақида гапириб ўтди. Жонли суҳбат тарзида ўтган тадбир иштирокчилари шоирни илҳомлантирувчи сўзлар, унинг шеъриятида севимли мавзулар ҳақидаги саволлар билан мурожаат этдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, айниқса, ёш авлоднинг тафаккурини, дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат уйғотиш мақсадида болани ёшлигидан тарбиялашда китобхонлик энг муҳим эканини таъкидлаб ўтди. Бобурнома, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом асарларини ёш китобхонларга ўқишни тавсия қилди. Устозлари Муҳаммад Юсуф ва Рауф Парфиниг ижоди, олийжаноб инсонлиги ва устозларининг дардини, кўнглидаги гапларини ёзиб олмаганлиги армон бўлиб қолганини айтиб ўтди.

"Онажоним шеърият" тўгараги аъзолари ўзларининг она Ватанга, ота-онага меҳру муҳаббат мавзусидаги шеърларидан ўқиб беришди.

**Мунира РАМАЗОНОВА**

# Ижтимоий ҳаётнинг асоси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА**

Бош қомусимиз умумэътироф этилган демократик тамойилларга асослангани ва ўзининг ихчамлиги билан ажралиб туради. Асосий қонунимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятлари, қонуний манфаатлари ҳимояси ҳақли равишда бош ўринни эгаллайди. Ҳар бир инсоннинг муносиб турмуш даражаси, фаровон ҳаёт кечириши ва фаол меҳнат қилиши учун шароит яратиш Конституциямизнинг мазмунини ташкил этади.



Энг асосийси, унда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш ва бошқа бир қатор ҳуқуқлари кафолатланган.

Конституциямизда ижтимоий соҳанинг энг муҳим қисми ҳисобланган оила институтига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, унинг XIV бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши белгиланган. Шунингдек, ушбу бобда никоҳ муносабатлари, ота-оналар ва фарзандларнинг мажбуриятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур нормалар хорижлик экспертлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилиб, ўзбекона қадриятларнинг қонунчиликдаги ифодаси сифатида юксак баҳоланмоқда. Зеро, она ва бола саломатлиги, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, оилалар барқарорлигини таъминлаш мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ белгиланган тараққиётнинг "ўзбек модели"да мавжуд тамойилнинг бири − кучли ижтимоий сиёсат юритишнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги *"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"*ги фармони асосида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг IV боби ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган.

Ушбу бобда аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби муҳим йўналишлар Конституциямизда белгиланган вазифаларни ҳаётта татбиқ этилаётганидан далолат беради.

Давлатимизда ижтимоий соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 та фармони, 109 та қарори, 13 та фармойиши қабул қилинди. 2016 йил сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг *"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"*ги қонуни ўз моҳиятига кўра, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни назарда тутади.

Мазкур қонуннинг яна бир ўзига хос жиҳати, унда ёшлар ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Ёшлар ижтимоий хизмати фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилди. Бу ижтимоий хизматнинг асосий вазифаси ёшларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат бўлди.

**«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.**

**Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 42-модда.

Бундан ташқари, 2016 йил 26 декабрда "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини аниқлаб олиш, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларининг ушбу соҳадаги роли ва жавобгарлигини оширишга қаратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралда "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, 2017 йил 1 июлидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали, яъни диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи таянч докторантура ҳамда диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини беришни назарда тутувчи докторантура тизими жорий қилинди.

Қолаверса, Президентимизнинг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, деб қайта номланди ва марказнинг асосий вазифалари белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, энди соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторга тиббий хизматларнинг деярли барча турларни кўрсатишга рухсат берилди.

Мазкур қарор хусусий тиббиёт муассасаларига кенг кўламли имтиёз ва преференциялар берилгани билан ҳам алоҳида эътиборга лойиқ бўлди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли конституциявий ижтимоий ислоҳотларнинг асосий мазмуни ва мақсади инсон манфаатларини таъминлашга, халқ фаровонлигини янада ошириш ҳамда ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишга қаратилмоқда.

**Нилуфар НОДИРХОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

**ФАОЛИЯТ**

Аҳоли саломатлигини, хусусан, ишчи-ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам ўз ўрни бор.

Бугун юртимизда касаба уюшмаларига аъзо бўлган ходимларнинг сони 6,5 миллиондан ортиқ бўлиб, уларнинг соғлиғини тиклаш ва дам олишлари учун Федерация томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

# ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

— Аҳоли саломатлиги муҳофазасида санатор-курорт соғломлаштириш муассасалари ўзига хос ўрин тутади, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раис ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. — Шу боис ҳам тизимдаги 17 та санаторий ва 2 та дам олиш уйида сервис хизматлари кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, марказлар сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, тиббиётнинг энг замонавий усулларидан фойдаланиш мақсадида SPA салонлари, янги даволаш усуллари, маъданли сувли сузиш ҳавзалари, тренажёр заллари фаолияти йўлга қўйилган. Шу билан бирга муолажа ва хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида тизимдаги санаторийларда фаолият кўрсатаётган шифокорлар Корея Республикаси, Озарбайжон, Ҳиндистон, Россия Федерацияси, Чехия каби давлатларнинг сиҳатгоҳларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтдилар. Натижада даволаш самарадорлиги ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ортди.



Ушбу сиҳатгоҳларда ҳар йили ўртача 125 минг нафардан ортиқ киши ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлмоқда. Уларнинг қарийб 50 фоизи касаба уюшмалари томонидан имтиёзли йўлланмалар асосида дам олдирилиб, соғломлаштирилади. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида касаба уюшмалари тизимидаги 17 та санаторийда қарийб 98 минг нафар киши соғломлаштирилди. Улардан 42 минг нафарга яқини имтиёзли, 13 минг 63 нафари бепул йўлланмалар асосида дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Хусусан, кўп болали, кам таъминланган ҳамда республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи оилалардан бўлган аёллардан 314 нафари, тиббиёт муассасалари ходимларидан 130 нафари, таълим муассасалари ходимларидан 137 нафари, ёш оилалар аъзоларидан 164 нафари бепул йўлланмалар билан соғломлаштирилди.

Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида турли соҳа ходимларига яратилаётган имтиёз ва қулайликлар тизими ҳам кенгайтириб борилмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга меҳнаткашлар учун йўлланмалар ажратиш муддати 5 йилдан 2 йилга қисқартирилди. Бугунги кунда аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимларнинг яқин қариндошлари, яъни ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари учун имтиёзли йўлланма олиш имконияти яратилди.

Юртимизда тиббиёт туризмини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Бу борада Федерация тизимидаги санаторийларда ҳам сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Дам олиш масканларининг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳамда хизмат кўрсатиш сифатининг ортиши нафақат юртдошларимизни, балки, чет эллик меҳмонларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 2700 нафарга яқин хорижлик фуқаролар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда дам олгани фикримиз тасдиғидир. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 2 баробарга кўп бўлиб, санаторийларимизнинг хориж сиҳатгоҳлари билан рақобатбардошлиги ва чет эл фуқароларининг санаторийларимизга қизиқишлари ортиб бораётганидан далолатдир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бугунги кунда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларни нафақат диетология ва тиббий муолажалар ёрдамида даволовчи муассаса, балки маънавий озуқа берувчи маданий-маърифий маскан сифатида ҳам эътироф этиш мумкин. Зеро, ҳар бир санаторийда Маънавият ва маърифат хоналари, маданият саройлари, кутубхона фаолияти йўлга қўйилган. Уларда малакали мутахассислар томонидан дам олувчилар учун Маънавият соатлари, давра суҳбатлари, маданий-кўнгилочар тадбирлар, санаторийлар жойлашган ҳудудлардаги тарихий обидалар ва зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштириб борилмоқда. Бу орқали эса дам олувчилар маънавиятини юксалтириш, ички ва тиббий туризмни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшилмоқда. Сиҳатгоҳларда мунтазам равишда ташкил этилаётган "Ҳаракатлар стратегияси − тараққиёт омили" мавзусидаги давра суҳбатлари ҳамда Маънавият соатларида аҳоли вакилларига бугунги кунда мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг натижалари етказилмоқда.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.**

# МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

**МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ**

Ҳаётимизнинг бирор жабҳасини маърифатсиз, маънавиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятдаги барча соҳалар ана шу мезонлар асосида иш юритади. Бугун дунёда ўхшаши йўқ, ноёб фуқаролик институти бўлмиш маҳаллани эса маънавият бешиги дея таърифласак, асло муболаға бўлмайди. Чунки вояга етаётган ҳар бир фарзанд тарбиясида маҳалла-кўйнинг ўрни беқиёс.



Президентимиз таъкидлаганидек, мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмаган. Чунки инсон қалби, мияси, онгу тафаккури ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доим маънавий озуқа керак. Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар — бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар — уларнинг барчаси фаол бўлишлари лозим. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини шакллантириш маҳалла фаоллари чекига тушган муҳим вазифалардан биридир.

Маълумки, айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йуналишлари белгилаб берилган. Фармонда жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асрабавайлаш ҳамда ривожлантиришда, шунингдек, ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш назарда тутилган. Мазкур устувор вазифалар ижросини таъминлаш, Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги тузилмалари билан маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фуқаролар йиғинларида маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда бу борада Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Президент Девонининг Жамоат ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизматининг масъул ходимлари томонидан 1-2 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида «Маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари» мавзусида ўқув семинарлари ўтказилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш буйича Республика кенгаши бошқаруви билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур семинарларга шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг ижро аппаратлари ходимлари, маҳалла раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия раҳбарлари жалб этилди.

Ўқув семинарларида маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни янада жонлантиришда мутасаддилар олдида турган долзарб вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари, ушбу йўналишда Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар ишини самарали ташкил этиш, уларнинг фуқаролар йиғинларидаги бошқа жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхтаб ўтилди.

Шунингдек, семинарлар давомида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (жиноятчилик, нотинч оилалар, оилавий ажримлар) сабабларини ўрганиб, уларнинг олдини олишга йўналтирилган аниқ мақсадли маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштириш, мазкур тадбирларда маҳаллалардаги кўчабошилар (қишлоқбоши, кўп қаватли уй бошлиқлари) ҳамда фуқаролар вакилларини жалб этиш муҳим экани таъкидлаб ўтилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Хоразм вилояти кенгаши томонидан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида "Маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш механизмлари" мавзусидаги ўқув-семинарлари ўтказилди.

Мазкур ўқув-семинарларида маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, жумладан, ҳокимларнинг ёшлар сиёсати ва хотин қизлар бўйича ўринбосарлари, профилактика инспекторлари, "Маҳалла" посбони жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари ҳамда "Нуроний" жамғармаси, Касаба уюшмаси, Ёшлар иттифоқи каби жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбирлар давомида Президентимизнинг "Маҳалла институтини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида белгиланган устувор вазифалар ҳамда 2017 йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасидаги масалаларга алоҳида тўхталинди. Шунингдек, маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари ҳақида маълумотлар берилиб, масъулларга қатор вазифалар белгиланди.

Тасдиқланган режа-жадвал асосида мазкур ўқув-семинарлар вилоятдаги барча маҳаллаларда ўтказилди.

Маҳаллаларда ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик ва ноқонуний меҳнат миграцияси каби муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида "Профилактика куни" табирлари ўтказиб келинмоқда.

"Маҳалла" посбони жамоатчилик тузилмаси аъзолари ва кўчабошилар томонидан "Тунги навбатчилик" жадваллари тасдиқланиб, ҳар куни маҳаллалардаги "Жамоатчилик назорати маскани"да навбатчилик тадбирлари амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган тадбирларнинг ижобий натижаси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даврида бирорта ҳам жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилмаган. 7 та ҳуқуқбузарлик олди олинган. Оилавий нотинчликларга барҳам бериш ишлари ҳам ижобий ҳал этилган.

Маҳалла ёшлари, айниқса уюшмаган ёшлар, профилактик ҳисобда турган ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида спортнинг футбол, шахмат-шашка, бадминтон, енгил атлетика, волейбол ва баскетбол турлари бўйича кўплаб спорт мусобақалари ташкил этилган.

Шунингдек, оилаларнинг тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида ташкил қилинган "Яраштириш" комиссияси ҳам маҳалла ёшлари ўртасида оила муқаддаслигини тушунтириш, оилавий нотинчликларни олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

**Ахборот хизматлари материаллари асосида Г.ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.**

# ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИ ҚИРОЛИ

**ОРТДА ҚОЛГАН ИЗЛАР**

## Устоз журналист Анвар ЖЎРАБОЕВни эслаб

У давр одами эди: ютуғи ва қусури ҳам ўзи билан бирга эди. Муҳими, у ўз шахсини шундай тушунарди. Шу сабабли бировга мақтанганини ёки бақириб гапирганини кўрмаганмиз.

Унинг бошқалардан бошқачалиги шунда эдики, бир умр завқ-шавқ билан яшади, иштиёқ билан ишлади. Ишни эртага қолдириш унга ёт эди.



Эсимда, мен дорилфунун учинчи курсида ўқиганимда кичик хабар ёзиб вилоят газетаси ахборот ва спорт бўлимига бордим. Хонада Анвар Жўрабоев ва Адҳам Ҳайитов ўтирарди.

Анвар ака хушбичим, тетик инсон экан, спорт билан шуғулланиши сезилиб турарди. Биринчи учрашувдаёқ у газетачиликнинг асоси ахборот эканлигини, ахборотни қандай топишим ва ёзишим кераклигини тушунтириб берди. “Газетхонда фақат янгилик эмас, ахборотга ҳам эҳтиёж катта”, деди у киши. Шу сабабли факультетимизда Алишер Навоий ижодига оид бўлган тадбир ҳақидаги хабарим мен ёзгандан бошқача бўлиб чиққанидан хафа бўлмадим. Аксинча, эртасига дарсдан сўнг яна 2-3 та хабар олиб бордим. Улар университет кутубхонасидаги эски қўлёзмалар, бир факультет талабалари қўлга киритган фахрий ёрлиқ ва медаллар, полвон талабанинг ўқишдаги ютуқлари ҳақида эди. Мен олиб борган барча хабарларнинг ҳаммаси битта рукн остида номерга берилди.

Шу-шу, газетанинг мазкур бўлимига боғланиб қолдим. Анвар ака йўқлигида янги мавзулар бўйича Адҳам ака топшириқ берарди. Ҳозир ҳам газетанинг ўша сонларини варақлаб тураман. Тўртинчи саҳифа тўлиғича ахборот ва хабарларга бағишланарди. «Чиниқиш» деган оммабоп саҳифа ҳам очганди.

— Корректурадаги муайян муддат фаолиятимдан сўнг Анвар ака раҳбар бўлган ахборот ва спорт бўлимига мухбир қилиб ўтказишди, — дейди “Шуҳрат” медали соҳиби А.Ҳайитов. — Олий таълимни Россияда олиб келгани учун халқаро журналистика анъаналаридан яхши хабардор ва чет эл газеталарини мунтазам кузатиб борарди. Русча газетага ҳам мақола бериб турарди. Анвар ака кабинетда ўтиришни ёмон кўрарди. Мени гоҳ олий ўқув юртига, гоҳ анжуманга, гоҳ бирорта йирик корхонага олиб кетарди. Шу тариқа “Газета фалон корхонада”, “Фалон институтда” деган рукнлар доимийга айланди. Бирор янгилик тўғрисида хабар берилса, кўп ўтмай шу янгилик моҳияти ҳақида мутахассис шарҳини беришга одатландик. Айниқса, оддий касб эгалари фаолиятидан хабар беришни ёқтирарди. Мен фаолиятим давомида устоздан ўрганганларимни қўллаб келаяпман.

Кўп ўтмай Анвар акани армияга чақиришди. Дарвоқе, хизмат чоғида у киши ҳарбий газета орқали ҳам танилиб улгурган экан. Ҳарбий хизматдан қайтган устознинг олдига иштиёқ билан бордим. Афсуски, салом-аликдан сўнг устоз ишдан кетаётганини айтди. Маълум бўлишича, навбати келса-да, у кишига квартира ажратишмаган, уй-жойга муҳтожлар рўйхатидан ҳам чиқаришган.

Ҳафсаласи пир бўлган А.Жўрабоев самарқандлик 5-6 нафар ҳамкасби билан янгидан ташкил этилган “Жиззах ҳақиқати” газетасига ишга кетди. Бу ерда у иқтидорли ижодкор Нурали Қобул билан яқин ҳамкорлик ўрнатди. Улар кейинчалик Тошкентда ҳам бирга ишлашди.

— Анваржонни 1979 йилда ўзим раҳбар бўлган “Совет Ўзбекистони санъати” журналига масъул котибликка таклиф этдим, — дейди таниқли ёзувчи Нурали Қобул. — Ўшанда у “Жиззах ҳақиқати”да бўлим мудири эди. Бирга ишлаш жараёнида билдимки, у доимо фавқулодда бир янги иш қилишга уринарди. Журналда “Дил суҳбати” рукни бўлиб, унда дунёнинг машҳур кишиларини суҳбатга тортардик. Менинг москвалик таржимоним Ольга Маркова орқали унинг отаси, ўша пайтдаги Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси раиси Георгий Марков билан суҳбат уюштирдик. У киши орқали эса Михаил Шолоховга чиқдик. Бу суҳбат ҳам журналда босилди. Дарвоқе, М.Шолохов ўз китобини Анваржон орқали Ш.Рашидовга тақдим этган. Бу омонатни Анваржон Шароф акага етказган. Анваржоннинг ўзига эса “Отважному журналисту” деган дастхат билан китобидан берган. Шундан кейин биз ҳамкасбимизни “отважный” деб чақирадиган бўлдик.

Агар бўлажак журналистларга, ҳатто филологларга ҳам ҳақиқий журналист сиймосини кўрсатиш, керак бўлса, менимча, Анвар Жўрабоев фаолиятини мисол қилиб олиш лозим. Чунки устоз соҳанинг барча босқичларини босиб ўтди, шу билан бирга сиёсатчи даражасига эришди. Журналистиканинг деярли ҳамма жанрида эталон бўладиган мақолалар ёзди. Ўша даврда ЮНЕСКО Бош директори, ЕХҲТ раҳбари, Ўзбекистонга “Пахта иши”ни ўйлаб топган Гдляндан интервью олиш ҳамманинг қўлидан келавермасди. Устоз бу ишни уддалади. Бу ҳақда турли нашрларда эълон қилган материаллари ўша пайтдаёқ шов-шувларга сабаб бўлди.

Анвар Жўрабоев даврнинг халқаро журналисти эди. Дунёнинг таниқли кишилари Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Евгений Евтушенко, Святослав Рихтер, Габриэл Гарсиа Маркес, Анатолий Карпов, Михаил Шолохов, Ўлжас Сулаймоновдан интервью олиб, матбуотда эълон қилди. Бу материалларда у жамиятга ўз қарашларини ҳам баралла айта олди.

Эсимда, А.Жўрабоевнинг собиқ иттифоқ журналистлар уюшмаси съезди минбаридан мамлакат раҳбари М.Горбачёвни матбуотга нотўғри муносабати учун танқид қилгани ҳамкасбларимиз томонидан жасорат сифатида қабул қилинганди. У Олий Мажлис сессиясида бир вилоят ҳокимини газета танқидига панжа орасидан қараганини ҳам очиқ айтганди.

Анвар ака бизни атрофдаги воқеаларга бефарқ бўлмасликка, матбуотда шахсий манфаатни ўйламасликка ўргатди. “Зарафшон”да ишлаганида меҳнат таътили олиб, 1974 йилда Москвадаги халқаро мусобақаларга ўз ҳисобидан борган. Ўшанда Анвар Жўрабоев машҳур баскетболчи Майкл Жордандан интервью олиш ниятида мусобақага кирмоқчи бўлади. Аммо уни киритишмайди. Ўшанда Анвар ака қўйнига солиб борган дўппиларни эшик “оға”ларига бир амаллаб тутқазади. Буни қарангки, ўзбек дўппилари унга қўл келиб Майкл Жордан билан суҳбатлашишга муваффақ бўлган. У бошқа таниқли инсонлар билан ҳам минг бир машаққат ила суҳбатлашишга эришган.

Аммо таниқли спортчилар билан суҳбатларини “Зарафшон” йўлланмаси билан” рукни остида газетада чоп этганди.

Анвар Жўрабоев “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарига таниқли журналист Аҳмаджон Мухторовдан сўнг муҳаррирлик қилди. Катта ёшдаги ижодкорлар унинг бу янги нашрлар обрўсини кўтариш учун қилган хизматини яхши билади. Устоз ҳатто ишсиз юрганида ҳам ҳаётдан нолимади. Аксинча, ижод билан машғул бўлди.

Чингиз Айтматов ва Одил Ёқубовнинг қўллаб-қувватлаши натижасида А.Жўрабоев “Марказий Осиё маданияти” газетасини чиқарди, бу нашрнинг минтақадаги республикаларда қирғиз, тожик, қозоқ ва рус тилларида чоп этилишини уюштирди. Бу газетанинг тақдимоти Ўзбекистонда чинакамига адабиёт, маданият фестивалига айланганди.

Интернетда А.Жўрабоевнинг “XX аср овози” китоби ҳақида машҳур адиб Одил Ёқубовнинг мақоласини ўқиб қолдим. Устоз ўша давр сиёсати акс этган интервьюларини тўплаган, ҳатто китобни саҳифалашга ҳам ўзи бош бўлган экан. Бироқ мен бу китобни кўрмадим.

Анвар ака ҳар хил давраларга ўзини урмас, одамларга ўзини яхши кўрсатишга уринмасди. Умрини фақат журналистикага бағишлади. Унвонлар ҳам олган эмас. Лекин нима учундир ўзбек журналистикасига оид манбаларда туғилган (1948 йил 22 май) ва вафот этган (2010 йил 16 сентябрь) санасидан бошқа маълумотга кўзим тушмаяпти. Афсус...

Ҳаётда ҳар бир инсон, айниқса, ижод аҳли ўнлаб синовларга дуч келади. Лекин турмуш мушкулликлари сабабини камдан-кам одам ўзидан қидиради. Хуллас, Анвар ака охирги иш жойи — “Ўрта Осиё маданияти” ҳафталиги ёпилгач, ишсиз юрган пайтлари уйига бордим. Аъло кайфиятини кўриб ҳайрон қолдим. Одатда бундай ҳолда ҳамкасбларим, аввало давлат ёки ёнидагилардан нолиб қолишарди. Устоз эса Ўзбекистон Журналистлари библиографиясини тузаётганини, эрта-кеч маълумот йиғаётганини шавқ билан гапирди. Ҳатто менга Самарқанддан айрим маълумотларни тайёрлаб беришимни топширди.

Гап ўртасида Ҳегелнинг “Дунёда ҳеч бир иш катта иштиёқсиз амалга ошмайди” деган иборасини эслатиб ўтди. Бинобарин, ижодкор сифатида бу иш нечоғлик диққатталаб, меҳнатталаб эканини мен яхши билардим. Устоз бу ишни уддалади, аммо афсуски, китобни чоп этишга улгурмади.

*Анвар Жўрабоевнинг депутатлик, “Адолат” партиясига етакчилик фаолиятига, парламентдаги дадил гапларига ҳозирги катта ёшдаги барча ҳамкасблар гувоҳ бўлган...*

*Бир шогирд сифатида устоз ҳақида кўнглимдан кечган фикрларни қоғозга туширдим. Қолгани эса фидойи ҳамкасблар ҳукмига ҳавола.*

**Фармон ТОШЕВ**



# КЕНГАШЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

*Бошланиши 1-бетда*

Кенгашларнинг мақсад ва вазифалари этиб: ташкилий тузилмаларидан қатъи назар ОАВда фаолият кўрсатаётган журналистларнинг ижодий фаолиятини кузатиб бориш, қўллаб-қувватлаш, касб малакаларини ошириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш, соҳани ривожлантиришга қаратилган қонунлар ва қонуности ҳужжатлар билан мунтазам таништириш, уларнинг зиммасидаги вазифаларни замон билан ҳамнафасликда, сидқидилдан бажаришлари учун шароитлар яратиш, фикрлар хилма-хиллиги, турли қараш ва ёндашувларга йўл очиб бериш, журналистларнинг умумэътироф этилган касб ахлоқ-одоби тамойиллари асосида холис ва эркин фаолият маданиятини шакллантиришда ёш журналистларга кўмак бериш, жамиятда учрайдиган нуқсон ва камчиликларни танқидий-таҳлилий ёритиш соҳага оид каби қатор муҳим масалалар белгиланди.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, республикамизда фаолият кўрсатаётган барча ОАВ фаолиятини мувофиқлаштириш, ёш кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ конструктив масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Таъкидлаш жоизки, кенгашлар йиллик режа асосида мунтазам фаолият олиб боради.

**ЎзЖИУ ахборот хизмати**

# “Ошиқ Бухорий қиссалари”

**ПУБЛИЦИСТ КУТУБХОНАСИДАН**

Қоғоз ва қаламни доимий ҳамроҳи деб билган Жўра Фозил узоқ йиллар "Ромитаннома" газетасининг бош муҳаррири сифатида газетани сифатли, ўқишли, қизиқарли, мазмунан бой тарзда чоп этилишига бошқош бўлиб келаяпти. Шуниси таҳсинга лойиқки, Жўра Фозил газета юмушларидан ортиб, бадиий ижод билан ҳам сидқидилдан шуғулланиб келаётир.




Хусусан, муаллиф ўтган йиллар мобайнида “Муҳаббатнинг байрамлари”, “Баркут мавсум”, “Бухоро элчиси”, “Айрилиқ остонаси”, “Бухорийнинг қайтиб келиши”, “Ғозиён зиндони”, “Тийрамоҳ армонлари” , “Бахт юлдузи”, “Менинг қизил гулим”, “Болаликнинг ёлғиз ёдгори” каби китобларини адабиёт мухлисларига туҳфа этди.

Яқинда “Янги аср авлоди” нашриётида Жўра Фозилнинг “Ошиқ Бухорий қиссалари” номли китоби нашр қилинди. Тўпламдан Бухорои шарифнинг олис ва яқин тарихи ҳақидаги “Бухоро маликаси”, “Ибтидо ва интиҳо”, “Қизил қуюн” қиссалари, шунингдек, “Бойкўнғир лолалари” асари, ҳамда “Севиш ҳуқуқи” ҳикояси, “Саҳродаги ёлғиз дарахт” эссеси ўрин олган.

Китоб муаллиф сўзи билан очилади. Унда шундай фикрлар баён этилган: “Азиз китобхон! Ҳар бир ёзувчининг, у қайси мавзуда қалам тебратмасин, очилмаган ўз қўриғи бўлади ва у ана шу қўриқни очишга интилади. Бухорои шариф мавзуси мен учун очилмаган қўриқ бўлса, ажаб эмас.

Эндигина қўлимга қалам олиб, машқ қилаётган пайтларимдаёқ Бухоро тарихи мени беҳад ҳаяжонга солар, руҳлантирарди. Айни пайтда она шаҳримиз тарихини яхши билмаслигимиз, айрим бирёқлама талқинлар, нохолис баҳолар бениҳоя қийнар эди. Бу тарих шунчалар жозибали ва мураккабки, бу ҳақда биргина асарда мухтасар сўз айтиш мушкул. “Ошиқ Бухорий қиссалари” уч қиссадан иборат туркум. Қиссалардаги воқеалар турли асрларда, турли замонларда рўй берган бўлса-да, уларда иштирок этувчи шахслар бир-биридан жуда йироқ одамлар бўлсаларда, қаҳрамонларни ягона манзил — Бухоро бирлаштиради. Ва, бу асарнинг бош қаҳрамони ҳам Бухорои шарифдир!

Асарни ёзиш жараёнида тарихий ҳужжатларни, тарихий шахсларнинг хотира ва эсдаликларини воқеалар ривожи билан боғлашга ҳаракат қилдим...”

Таниқли журналист ва адиб Жўра Фозилнинг “Ошиқ Бухорий қиссалари” тўплами кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Абдулла АЙИЗОВ**

# Навниҳолни эгманг!

**ГАЗЕТХОН ФИКРИ**

Эрта баҳор. Табиат уйғонмоқда. Барча ўсимликлардан энг барвақт шўх ва бетакрор митти бойчечак бош кўтаради, ҳусни кўзни қувнатади. Лекин кўкламга хос беқарор об-ҳаво — совуқ ё сел уларни савалаб нобуд этади. Нозик гулғунчалар эса қайта тикланмайди...

“ЗЎР” ТВ тижорат телеканалида намойиш этилаётган “Индиго” кўрсатувида ҳам табиатнинг бешафқат қонуни намоён бўлаётгандек, назаримда. Тўғри, мазкур кўрсатув ёш иқтидор эгаларини кашф этиш, уларни оммага танитиб, маънавий рағбатлантириш мақсадида эфирга узатилаётгандир. Бироқ ғоя муаллифлари томонидан инобатга олинмаган айрим хато ва камчиликлар оқибатида эндигина иқтидорини намоён этаётган, ўзлигини шакллантираётган аксар иштирокчилар руҳини чўктириб, ўрни келганда ўзига бўлган ишончини йўқотмоқда, десак тўғри гапни айтган бўламиз. Чунки педагог бўлганим учунми, ушбу кўрсатувда иқтидорли ёшларни кашф этиб, уларни элга танитишдан кўра истеъдодларни саралаш, “ким зўр?” таомилида беллашиш кучлироқдек туйилди менга. Иштирокчиларнинг ёш тафовути, қобилияти, намоён этаётган йўналишлар турлилиги, яшаш жойидаги шарт-шароитлари ҳам ҳисобга олинмай баҳоланмоқда, “танланмоқда”.

Ҳакамларнинг аксари санъаткор, актёр ва спортчилар. Ваҳоланки, кўрсатувда математика, рақс, тил бўйича беллашаётганлар талайгина. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, соҳага алоқадор бўлмаган ҳакамлар томонидан иштирокчиларни адолат мезони асосида танлаш мумкинмикан?!

Бир мисол келтирсам: кўрсатувнинг 29 октябрдаги сонида саккиз ёшли ва ўн уч ёшли икки иштирокчи математика фани бўйича беллашди. Бироқ орадаги тафовут ҳисобга олинмади.

Аксар ҳолларда эса чеккароқ вилоятлардан турли шарт-шароитга қарамай ўз қобилиятини тарбиялаб, ривожлантириб келаётган иштирокчилар қолиб, барча шарт-шароитларга эга муҳитда улғаяётганларга ён босилади. Йўналишлар турлилигининг инобатга олинмаслиги эса баридан-да ўтиб тушади.

Танлов талабиги кўра, энг зўр бир нафар иштирокчи ҳакамлар томонидан, яна бири ижтимоий тармоқларда овоз бериш йўли билан аниқланади. Дейлик, кўрсатувнинг бир сонида 5-6 та бола иштирок этса, уларнинг икки нафари танлаб олинса, қолганлари тушкун, хафа кайфиятда уни тарк этишади. Шу ўринда бир мантиқли савол туғилади: иқтидорни танлаш мумкинмикан ўзи?!

Бир-бирини такрорламас қобилияти, истеъдоди билан иштирок этаётган қатнашчиларни кўриб, ҳақиқатда уларнинг “индиго”лигига шубҳа қилмайсиз. Бири оёғида кубик-рубикни йиғса, бири улардан расм ярата олади. Бошқа бирови ёзув-чизувсиз, ҳеч қандай калькуляторсиз исталган кўпайтирув амалларини бажара олади. Икки ёшли болакай эса кирилл алифбосидаги сўзларни бемалол ўқиб, сонлар ва математик фигураларни айтиб, барчани лол қолдирди. Иштирокчиларнинг деярли барчаси шундай ҳайратомуз ва ақл бовар қилмас талантга эга. Бироқ бу кўрсатувни кўриш мобайнида гувоҳи бўляпманки, танловда юқори босқичга ўта олмаган кичик ёшли қобилият эгаларининг ўзига бўлган ишончи довулда қолган ниҳолдек эгилиб синяпти. Ҳакамларда “мени танланг” қабилидаги илтижоли нигоҳлари қолиб кетяпти. Уларнинг бу ҳолатини кўриб, ўтолмаган иштирокчиларнинг эртанги куни нима бўлади, бунга ким жавоб беради, дея ўйланасан киши.

Ягона таклифим: кўрсатувнинг бош мақсади ёш иқтидор эгаларини танлаш эмас, уларнинг қобилиятини намойиш этиш бўлсагина, ўз фаолиятини давом эттирсин. Йўқса, навниҳолларни синдириб, қалбига озор етказмасин. Яхшиси, ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТСИН!

**Шаҳноза ШОАБДУРАҲИМОВА, педагог**

# Маънавий талқин

**ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИДА**

Республика Маънавият ва маърифат маркази муассислигида нашр этилаётган «Маънавий ҳаёт» журналининг 2017-йилдаги 3-сони нашрдан чиқди.




Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида айтилган «Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур», деган фикрлари журнал мундарижасининг бош мезони қилиб олинган.

Журналнинг «Жараён», «Эҳтиром», «Карвон қўнғироғи», «Она замин ва одамлар», «Эл одамлари», «Мутолаа вақти», «Ҳаётни ўзгартирган нутқлар» каби рукнлари остида тайёрланган мақолаларда, хусусан, маданият ходимлари, таниқли журналистлар, олимлар, ижодкорлар, ёш қаламкашларнинг фикр-мулоҳазалари берилган.

“Жараён” рукнида бош муҳаррир Эшқобил Шукурнинг «Дунёни маънавият қутқаради» номли мақоласида XXI аср дунё тарихида буюк кашфиётлар асри бўлиш билан бирга, буюк йўқотишлар даври ҳам бўлаётгани афсус билан қайд этилади. Жумладан, БМТ ҳисоб-китобларига кўра, XXI асрда 600 та тил йўқ бўлиб кетиши мумкин экан. Бу — жаҳон маънавиятида жуда катта ўпирилиш! Қолаверса, инсон табиатидаги айнишлар ўта қалтис, хатарли вазиятни юзага келтирмоқда. Худбинлик, маҳдудлик, мутаассиблик, бефарқлик, лоқайдлик, меҳрсизлик каби иллатлар кундалик «фаолият»га айланиб қолаётгани бор гап. Шу пайттача «Дунёни ҳалокатдан нима қутқаради?» деган саволга гўзаллик ё меҳр, деб жавоб берилди. Бугун иккиланмай айтиш керакки, дунёни ҳалокатдан маънавият қутқаради. Мамлакатимизда маданият ва санъат, маънавият соҳасидаги эзгу ишлар умуммиллий ҳаракатга айланиши учун аввал онгимизда эзгуликлар ғолиб келиши керак, деган фикр билан мақолага якун ясалади.

Шунингдек, журналда Бобомурод Эралининг “Карвон қўнғироғи” рукнида чоп этилган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов билан уюштирган «Уйингизда кимлар бор: дажжолми ё фаришта?..» сарлавҳадаги суҳбати журналхонларда катта қизиқиш уйғотади. Суҳбатда Президентимизнинг ҳар бир қарор ва фармонида мамлакатимизнинг маънавий ва ижтимоий ҳаётида эришилган ютуқлар қаторида, камчиликлар ҳам очиқ айтилаётгани ва уларга тузатишда барҳам бериш учун бутун оммани эътибори жалб этилаётгани қайд қилинган. Ислоҳотлар оқимида энг муҳим ишлардан бири ёшлар маънавияти, одоб-ахлоқи ва тарбияси масаласидир. Янаям аниқроқ айтсак, бу ҳаёт-мамот масаласидир. Маънавий соғлом ва камолотга эришган халқлар қадимдан улуғлик шоҳсупасини эгаллаган, уларни енгиш ёки улар билан тенглашиш осон бўлмаган. Маънавий инқирозга учраган халқнинг обрў-эътибори бўлмайди, унинг қадрият ва урф-одатларига паст назар билан қаралади.

Ушбу суҳбатда эртанги кун ёшлар қўлида эканлиги ҳисобга олиниб, баркамол авлодни вояга етказиш, фарзанд тарбиясидаги ижобий ва салбий ҳолатлар хусусида атрофлича фикр юритилади.

Адабиётшунос олим Мусулмон Намознинг «Ўзимизни қандай ўрганамиз?» номли мақоласида Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» хотира қиссаси ҳақида тафаккур қилинади. Мусулмон Намоз «Ўтмишдан эртаклар» ҳақида мулоҳаза юритар экан, унинг бугунги аҳамияти, китобхонлар онгига таъсири ҳақида асосли мушоҳадалар қилади.

Бир сўз билан айтганда, журнал ҳеч қачон ўз ўқувчиларини йўқотмайди. Фан, таълим, маданият ва бошқа бир қатор соҳаларни ўз ичига қамраб олган. Нашр келажакда халқ ва миллат учун муҳим масалаларни олиб чиқишига ишонамиз.

**Сабоҳат СУЛТОНОВА**

# МДҲ: Энергетика тизимидаги долзарб масалалар



**ШАРҲ ЎРНИДА**

Ўтган ҳафта охирида Тошкент шаҳрида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Электр энергетика кенгашининг 51-мажлиси бўлиб ўтди. Унда МДҲга аъзо мамлакатлар давлат ҳокимияти органлари ва миллий электр энергетика компанияларининг раҳбарлари қатнашди.

Сир эмаски, электр энергияси бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Зеро, уйимиздаги электр лампаси, телевизор ва компьютерлар, кичик ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари, озиқ-овқат тайёрлашдан тортиб, гигант саноат объектлари ҳам электр энергияси билан ишлайди. Инсоният маиший ҳаёти такомиллашиб, яхшиланиб борар экан, унинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи тобора ошиб бораверади. Айтайлик, 2000 йилда юртимизда битта хонадоннинг ойлик электр истеъмоли 114 кВт соатни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 160 кВт соатга етди. Шубҳасиз, бу ўринда истеъмолчига электрни узлуксиз узатишни яхшилаш, энергетика хавфсизлиги муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидлаганимиз МДҲ Электр энергетика Кенгашининг асосий вазифаси МДҲга аъзо давлатларнинг электр энергетика, шу жумладан, коллектив энергетика хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг тамойиллари ва йўналишлари тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш, аъзо давлатлар умумий электр энергетика бозорининг фаолият юритишини таъминлашнинг иқтисодий ва ҳуқуқий шартлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш масалалари ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, МДҲ Электр энергетика кенгашининг бош мақсади МДҲга аъзо мамлакатларнинг электр энергетика тизимлари бирлашмасининг самарали фаолияти асосида Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодиётини ва аҳолисини электр энергияси билан барқарор ва ишончли таъминлашга қаратилгандир.

Мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Султонов, Россия Федерацияси Энергетика вазири А.Новак, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котибининг ўринбосари С.Иванов ва бошқалар кейинги йиллар мобайнида ташкилотга аъзо давлатларнинг электр энергетикаси соҳасидаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва хавфсизлигини таъминлаш, интеграция тамойиллари ҳамда йўналишларини белгилаш борасида қатор ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. Жумладан, умумий электр энергетика бозорининг биргаликдаги фаолият юритишига эришиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратилгани қайд этилди.

Мажлисда МДҲга аъзо давлатлар энергетика тизимининг 2017—2018 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш тўғрисида ҳам сўз юритилди. Электр энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама этилиши асносида «МДҲ доирасида электр энергетика соҳасидаги халқаро шартномалар, ҳамда МДҲ Электр энергетика кенгашининг меъёрий ва техник ҳужжатлари тўғрисида»ги, «Ишчи гуруҳнинг энергосамарадорлик ва қайта тикланувчан энергия манбаларини ривожлантириш бўйича ҳужжатлари тўғрисида»ги шартномалар кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлиси иши самарали бўлганини таъкидлаган ҳолда, шу ўринда соҳа юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар хусусида атрофлича сўз юритсак. Айни кунда Ўзбекистонда барча жабҳаларда бўлгани каби энергия ресурслари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, муқобил энергия ишлаб чиқариш ривожи борасида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда электр энергия соҳасидаги ислоҳотларни ҳаётга жорий этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласи устувор аҳамиятга эгадир.

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти электроэнергетика соҳасида мамлакатимиздаги ваколатли орган сифатида иқтисодиётимиз тармоқлари ва аҳолининг марказлашган электр таъминотини амалга ошириш билан бир қаторда республикамиз шаҳарларидаги саноат ҳамда коммунал-маиший истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан ҳам таъминлайди.

Айни пайтда "Ўзбекэнерго" АЖ таркибида 54 та корхона мавжуд. 40 та акциядорлик жамияти, 11 та унитар корхона ва 3 та масъулияти чекланган жамият шулар жумласига киради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон электростанцияларининг белгиланган жами қуввати 14,1 миллион киловаттдан ошади. Хусусан, "Ўзбекэнерго" АЖ томонидан 13,6 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу электр энергиясининг 85 фоизи иссиқ электр станциялари, 12 фоизи гидроэлектростанциялар улушига тўғри келади.

"Ўзэлектртармоқ" унитар корхонаси ўзининг жами узунлиги 8,8 минг километрли 220-500 кВ кучланишли магистрал тармоқлари орқали электр энергиясини манбадан тақсимлаш корхоналарига етказиб беришга ихтисослашган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги 2017—2021 йиллар даврида "Ўзбекэнерго" АЖда тузилмавий ўзгаришларни ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш борасидаги фармонига мувофиқ, жами қиймати 11 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 62 та инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилаётир. Шуниси эътиборга моликки, юқоридаги лойиҳалардан 25 таси иссиқлик энергетикаси соҳасига тегишли ҳисобланади.

Иссиқлик энергетикаси соҳасидаги тадбирларни рўёбга чиқариш юқори самарали буғ-газ ва газ турбина қурилмалари негизида замонавий технологияларни электр энергияси ишлаб чиқаришга жорий этишни таъминлайди. Бундан ташқари, "Ўзбекэнерго" АЖ электр энергияси назорат қилиш ва ҳисоблашнинг автоматлашган тизимини амалиётда қўллаш билан электр энергия ҳисоби тизимини модернизациялашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Мазкур лойиҳа келгусида босқичма-босқич равишда бутун мамлакат ҳудудида амалга ошириладди. Дарвоқе, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам бу масала долзарблигича турибди.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда бутун дунёда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётир. Бунда айниқса, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади. Айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда бу каби қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш борасида самарали лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, яқин йиллар ичида қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш мақсадида Самарқанд, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида ҳар бири 100 мВт қувватли 3 та қуёш электр станциясини ва Навоий вилоятида 102 мВт қувватли шамол электростанциясини қуриш кўзда тутилмоқда.

Дастурда белгиланган энергия тежовчи замонавий технологик ускуналарни амалиётга жорий этиш камроқ иссиқликни сарфлаган ҳолда энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради. Республика истеъмолчиларини электр билан барқарор таъминлаш ҳамда энергия захиралари сарфини камайтириш мақсадида 2016 йилда Таллимаржон иссиқлик электр станциясида 450 мВт қувватли иккита буғ-газ блоки фойдаланишга топширилди. Улар йилига 7 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Шунингдек, Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 миллион мВт қувватли энергоблок ишга туширилди. Унинг йиллик электр ишлаб чиқариш ҳажми эса 900 миллион кВт соатни ташкил этади. Айни пайтда Навоий иссиқлик электр станциясида 450 мВт қувватга эга бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини, Тахиатош иссиқлик электр станциясида 230-280 мВт қувватли иккита буғ-газ қурилмасини ҳамда Наманганда умумий қуввати 900 мВт бўлган Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини барпо этиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон қайта тикланадиган энергия манбалари (шамол, қуёш, гидравлик энергия)нинг катта захирасига эга бўлиб, уларни иссиқлик-энергетика балансига киргизиш истиқболли ҳисобланади. Нега деганда, мамлакатнинг барча минтақаларида қуёшли кунларнинг давомийлиги йилига 2650 соатдан 3050 соатгачани ташкил этади. Мутахассисларнинг таҳлилига кўра, юртимизда қуёш ёруғлигининг ялпи қуввати 525 миллиард кВт соатдан 760 миллиард кВт соатгача деб баҳоланмоқда.

Қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш мақсадида, биринчи навбатда, гидроэнергетик салоҳиятдан фойдаланиш бўйича халқаро молия институтларини жалб этган ҳолда Тошкент, Қодирия, Қуйи Бўзсув ва Шаҳрихон каскадларини модернизациялаш ва реконструкциялашнинг инвестицион лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кўмир саноати ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Иқтисодиётни ва аҳолини кўмир билан барқарор таъминлаш мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлайди. Айни вақтда республикамизда аниқланган кўмир захиралари 2,2 миллиард тоннани, тахминий захиралар миқдори эса 5,7 миллиард тоннадан зиёдни ташкил этишини назарда тутсак, соҳанинг истиқболли экани ўз-ўзидан аён бўлади.

Умуман олганда, Ўзбекистон энергетика балансида кўмир улушини кўпайтириш муҳимлигини эътиборга олган ҳолда 2017—2021 йилларда кўмир саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилмоқда. Айни кунда йилига ўртача 3,7 миллион тонна кўмир қазиб олинаётган бўлса, қабул қилинаётган дастурнинг амалиётга жорий этилиши туфайли 2030 йилга бориб, йилига 14 миллион тоннага етади.

Биз юқорида асосан, электр энергиясини ҳосил қилиш ва узатиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш борасида сўз юритдик. Хулоса ўрнида эса ушбу неъмат қанчадан-қанча газ, сув ва кўмир маҳсулотлари ва инсонлар меҳнати эвазига бунёд этилаётганини айтмоқчи эдик. Ҳар биримиз бу меҳнатни қадрласак, электр энергиясидан тежамкор фойдалансак, зарур тўловларни вақтида тўласак, иқтисодиётимиз равнақига ва ҳаётимиз фаровонлигига ҳисса қўшган бўламиз.

**Абдумажид АЗИМОВ**

## ЎТМИШИ ҚАДИМИЙ ЎЛКА



**ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ**

Қадимий ва эртакмонанд мамлакатлардан бири ҳисобланмиш Италия Европа жанубида, Ўрта денгиз ҳавзасида жойлашган. Майдони 301,2 минг квадрат километр. У Апеннин ярим ороли, Сицилия, Сардиния ва бошқа кичик оролларни ўз ичига олган.

Аҳолиси 60 795 612 киши (2014 йилги маълумот), маъмурий жиҳатдан 20 та регионга бўлинган.

Пойтахти Рим шаҳри. Давлат тили — италян тили. Йирик шаҳарлари — Рим, Милан, Неапол, Турин, Генуя, Палермо.

Ҳар бир мамлакатнинг дунёга машҳур жиҳатлари бўлади. Дейлик, Ўзбекистон дунёга донғи кетган тарихий шаҳарлари, Ҳиндистон романтик фильмлари, Бразилия донгдор футболчилари билан маълум ва машҳур. Италиянинг ҳам фахрланадиган жойлари кўп. Масалан, энг тезкор спорт автомобиллари шу диёрдан чиқади. "Феррари", "Ламборжини" деб эшитгансиз-а?.. Миланнинг модалар маркази эканини ҳам яхши биласиз. Машҳур либос брендлари айнан шу шаҳар номи билан боғланади. Шунингдек, бу диёрдан етишиб чиққан Леонардо да Винчи, Галилео Галилей, Микеланжело, Рафаэл, Эванжелиста Торричелли каби олиму санъаткорлар номини билмайдиганлар кам бўлса керак.

Италия юксак ривожланган индустриал-аграр мамлакатдир. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 31,6 фоизни ташкил этади. Унда машинасозлик, металлургия, тўқимачилик, электроэнергетика, нефтни қайта ишлаш ривожланган. Боғ, токзор ва зайтунзорлар жами экин майдонининг 11 фоизини ишғол этади. Асосий дон экинлари буғдой, маккажўхори, сули, арпа ва шоли.

Италия ҳақида сўз борганда, албатта, бу мамлакатнинг бой ўтмишидан сўз очмасликнинг иложи йўқ. Айтиш керакки, италиклар гуруҳига мансуб сабин ва лотин элатлари эрамиздан аввалги 754 йилда Римга асос солганлар. Милоддан илгариги 5—3-асрларда Италия ҳудуди қадимги Римнинг асосий қисми ҳисобланган. Этрусклар ва қадимги Рим меъморлик ансамбллари ўлканинг қадимий меъморий обидаларидир.

Римда Санта Мария Мажоре, Санта Анесса черковлари, шунингдек, Равенна ёдгорликлари яхши сақланган. 11 — 13-асрларда бинолар роман услубида барпо этилди. Айрим иншоотларда Византия меъморлигининг таъсири сезилади. Венециядаги авлиё Марк собори, Палермодаги собор шулар жумласидандир.

Пиза шаҳри қадимий ва гўзал обидалари билан машҳур. У ердаги ажойиб меъморий ёдгорликлардан бири ўрта асрларда қурилган қулаётган минора бутун дунё сайёҳларини ҳалитун ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда. Пизадаги сабор майдон мажмуаси 11-12-асрларда қад кўтарган. Маҳобатли бу бино мамлакатнинг энг таниқли усталари томонидан барпо этилган.

Италияга келган ҳар бир меҳмон бу ердаги мазали таомлар, ширинликларни тановул қилиб ҳайратланади. Қолаверса, мамлакат ўзининг музқаймоқлари билан ҳам машҳур. Мода ишқибозлари шуни ҳам билишлари керакки, Италиянинг Милан шаҳрида ҳар йили мода ҳафталиги ўтказилиб, унда дунёнинг энг таниқли дизайнерлари ўзларининг коллекциялари билан қатнашишади.

Италияга қисқа "сафар"имизни шу ерда ниҳоялар эканмиз, Ўзбекистон ва Италия муносабатлари ҳақида ҳам мухтасар сўз айтишни жоиз билдик.

Бу давлат Ўзбекистон суверенитетини тан олганидан кейин иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилган. 1996 йилда Флоренцияда тузилган "Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида"ги битим ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизи яратилди.

**Шабнам АЗИМОВА тайёрлади.**

**БУ ТУРФА ОЛАМ**

### ИЛК АҚЛЛИ КЕМА СУВГА ТУШИРИЛДИ



***China Daily** нашрининг хабарига кўра, яқинда дунёдаги илк ақлли кема сувга туширилди. Гуанчжоуга бир ҳафталик синов саёҳатини бошлаган Great Smart деб номланган ақлли кема Хитойнинг China State Shipbuilding Corp (CSSC) компанияси томонидан қурилган ва ахборот технологиялари билан тўла таъминланган. Айтилишича, кема йил охирида номи сир тутилаётган мижоз қўлига ўтади.*

38,8 минг тонна сув сиғимига эга Great Smart юк кемаси Green Dolphin кемасининг модификацияси ҳисобланади. Мазкур кеманинг дунёдаги илк ақлли кема деб аталаётганига сабаб у Британия жамияти Lloyd's Register томонидан қабул қилинган "киберхавфсиз", "кибер-ижрочи" ва "кибер-қўллаб-қувватловчи" мезонларга мос келади. Айтиш керакки, олдинроқ Жанубий Кореяда ҳам "ақлли" таснифига даъвогарлик қилувчи учта кема ясалган эди, бироқ улар Ллойд рўйхатидаги "киберхавфсиз" талабигагина жавоб берган.

Ишлаб чиқарувчининг айтишича, Great Smart кемаси энг янги ахборот технологияларини, жумладан, маълумотларни реал вақт режимида тўплаш ва қайта ишлаш, катта ҳажмдаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш, рақамли моделлаштириш ва масофадан бошқариш вазифаларини эплай олади. Бундан ташқари кема дастурий таъминотига двигателлар ва асосий қурилмаларнинг ҳолатини кузата оладиган ахборот тизимлари тўплами ўрнатилган. Бу мосламаларнинг барчаси экипаж ишини енгиллаштиради.

Ҳозиргача кеманинг роботлаштирилгани денгизчиларга ўз таъсирини кўрсатмаган: экипаж қоидаларга кўра бутланган. Бироқ мазкур ихтиро келгусида технологик тараққиёт ўзгаришига ва кемаларда камроқ ишчи кучидан фойдаланишга олиб келиши мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ақлли кемаларнинг истиқболи порлоқ: улар кам ёнилғи сарфлаши ва хавфсизлик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Ҳозирда Европа мамлакатлари, Жанубий Корея ва Япония ҳам шундай кемаларни яратиш устида бош қотирмоқда.

### 40 ДАҚИҚАЛИ КУНДУЗГИ УЙҚУ СОҒЛИҚ УЧУН ЗАРАРЛИ



*АҚШлик олимларнинг олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, узоқ муддатли уйқу ва ҳаддан ортиқ чарчаш метаболик синдром хавфи пайдо бўлиши, айниқса, инсулин сезувчанлиги бузилишини келтириб чиқаради. Америка Кардиология коллежида ўтказилган илмий анжуманда олимлар томонидан бу ҳақида сўзланган нутқ **life.ru** нашрида эълон қилинди.*

Унда айтилишича, 40 минутдан ортиқ давом этган кундузги уйқу метаболик касалликларга чалиниш эҳтимолини оширибгина қолмай, қон босимининг ошиши, холестерин, бел атрофидаги ёғ тўқималари ҳажмининг ошиши ва қонда қанд миқдори ортишига олиб келади.

Шу билан бирга кун давомидаги ҳаддан ортиқ чарчоқ ҳам тана аъзоларига салбий таъсир кўрсатади. 30237 нафар осиёлик ва европалик кишилар иштирок этган тадқиқот доирасидаги 21 та мета-таҳлил натижалари олимларнинг бундай хулосага келишига сабаб бўлди. Айтиш керакки, бу тадқиқот мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотларнинг энг йиригидир. Унда шифокорлар иштирокчиларнинг кун давомида ухлаш-ухламасликлари ва агар ухлашса, уйқу давомийлиги қанчани ташкил этиши билан қизиқдилар. Сўнгра йиғилган маълумотлар инсонлар саломатлиги ҳолати (метаболик синдром анамнези ҳамда қандли диабетнинг 2-тури ва семизлик) тўғрисидаги тиббий маълумотлар билан қиёсланди. Натижалар эса кундузги уйқу юқоридаги салбий таъсирларга эга эканлигини исботлади. 40 дақиқадан кам ухлаганларда синдром ривожи пастлиги кузатилди. 1,5 соат давом этган кундузги уйқу эса бу касаллик хавфини 50 фоизга ошириши аниқланди.

### АЛБЕРТ ЭЙНШТЕЙННИНГ БАХТ СИРИ СОТИЛДИ



***The Independent** нашрининг ёзишича, 95 йил олдин физик олим Алберт Эйнштейн томонидан ёзилган ҳаёт ва бахт ҳақидаги қайдлари Исроилдаги кимошди савдосида сотилди.*

Газетада ёзилишича, Эйнштейн фотоэлектрик эффект назариясини яратиш ва физикага оид бошқа хизматлари учун 1922 йилги Нобел мукофотини олгандан сўнг Японияга маъруза ўқишга жўнайди. Токио шаҳридаги «Imperial Hotel» меҳмонхонасида тўхтайди. Олим унга йўл бошлаган меҳмонхона хизматчисига чойчақа ўрнига келажакда фойдаси тегадиган бебаҳо иккита қисқа маслаҳатни беради.

Эйнштейн меҳмонхона расмий бланкасига қайдларнинг бирини ёзади ва овоз чиқариб ўқиб беради: "Осуда ва камтар ҳаёт давомий хавотир эвазига орттирилган муваффақиятдан кўпроқ бахт ҳадя этади". Иккинчи оқ қоғозга эса "Хоҳиш бор ерда имконият бўлади" деб ёзади. Олим ҳар иккала қайдининг остига сана ва имзо қўяди.

Исроилнинг Қуддус шаҳрида ўтказилган кимошди савдосида "бахт сири" 34 минг АҚШ доллари, иккинчи қайд эса 15 минг АҚШ долларига баҳоланди.

### ИНТЕРНЕТ ДУШМАНИ — КАКАДУ



***TJournal**нинг хабар беришича, Австралия миллий кенг полосали интернет тармоғига зарар етказган ёввойи какадулар сим ва кабелларни ғажиб ташлаган. Натижада интернет фаолияти секинлашиб, айрим қисмлари ишдан чиққан.*

Тармоқ муҳандисларининг айтишича, какаду қиммат турадиган оптик толали ва куч кабелларига ҳужум қилмоқда. Айни кунга қадар компания еб битирилган жиҳозларни янгисига алмаштириш учун 60 минг доллар сарфлаган.

Экспертларнинг фикрига кўра, "душман"ни кабелларнинг ранги ва жойлашуви ўзига жалб этади. Шундан келиб чиқиб Австралия миллий кенг полосали интернет тармоғи барча симларни махсус ўрамларга жойлашга қарор қилди.

Айтиш жоизки, Австралия ҳукумати интернет инфраструктурасини ривожлантириш учун 36 миллиард доллар сарфлади, бироқ юқоридаги каби муаммолар туфайли мамлакатдаги интернет тезлиги бўйича дунёда 50-ўринни эгаллаб турибди.

**Интернет манбалари асосида Г.ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.**

**ЭЪЛОНЛАР**

Наврузов Даврон Тулкуновичга тегишли Тошкент шаҳар Чилонзор туман Кичик ҳалқа йўлидаги бекатнинг 10030203010018 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолгани туфайли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Улуғбек 3-тор кўчасида жойлашган Самадов Абдуқаюм Абдулаҳадовичга тегишли бўлган 37 "б"-уйнинг уй режаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# ЁЛҒИЗ ЯШАШГА САБАБ НИМА?

## БОТИНИЙ ОЛАМ МУАММОЛАРИ

Матбуотда оила мавзуси ёритилган мақолаларни, ўз бахтини излаб, таҳририятларга мурожаат қилган инсонларнинг эълонларини кузатиб бораман. Қирқ ёшдан ошиб қолса ҳам турмуш қуролмаётган эркак ва аёлларнинг ҳаётини ўйлаб, уларга чин кўнгилдан ачинаман. Илгари "Бир яхшига бир ёмон"ни топиштириб қўядиганлар кўп бўларди. Ҳозир-чи, ҳозир ҳам шундай дегимиз келади, лекин далиллар бошқа нарсани кўрсатмоқда. Бугун эркак ва аёлнинг бошини қовуштиришга сабабчи бўладиган кишилар, кўп ҳолларда савоб деган тушунчадан кўра "жавобгарлик" масъулиятидан қочиб, "менга нима" қабилида иш кўрадиган бўлиб қолди.

Оилали бўлиб яшаш ёлғиз яшагандан кўра яхши эканлиги аллақачон фанда ва ҳаётда ўз исботини топган. Шундай экан, тақдирнинг ўзи исканжасига олган бундай инсонларга лоқайд бўлиб туриш инсофдан бўлармикин?

Ҳаётга разм солинса, айниқса, оила қурмаган эркаклар ўз елкаларига оғир маломат юкини кўтариб юради. Тиббий жиҳатдан қараб чиқилса, турли касалликлардан вафот этиш ҳодисалари улар орасида жуда кўп учрайди. Ичкиликка ружу қўйиш, паришонхотирлик, йўл ҳаракатини бузиб, фалокатта учраганлар сони ҳам ёлғизларда анча юқори. Уйланмаган ёхуд оиласи билан ажрашиб, бошқа турмуш қурмаган эркаклар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳодисалари ҳам бор. Агар узоқ умр кўрувчи кишилар рўйхати тузилса, бу рўйхатда ёлғиз кишилар сони кам учрайди. Умуман олганда, ўлим ҳодисаси ёлғизларда кўпроқ учраши аниқ факт. Якка-ёлғиз яшовчи аёлларга келсак, улар ўз ҳаётини бўйдоқ эркакларга қараганда, камроқ фожиалар билан ўтказишаркан. Уларнинг ўртача умр кўриши ҳам оилали аёлларнинг ўртача умридан унчалик фарқ қилмаслиги маълум бўлди. Бундан хулоса шуки, эркаклар учун ёлғиз яшаш ҳаётдаги барча қийинчилик ва ғам-ташвишлардан кўра ҳам оғирроқ кечади. Шу сабабдан ҳам илгарилари аёлидан жудо бўлган эркакнинг ўғиллари ёки яқинлари тезроқ қайта турмуш қуришга даъват қилишган. Бугун эса бева эркакнинг ҳолига вой. Негаки, ўғил-қизлари оталарининг уйланишини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Уй-жой, мол-мулк масаласи ўртага қўйилиб, қариган чоғда "уйланишга бало борми" деб ёзғиришлар одат тусига айланган.

Ўзбекчилик жуда яхши, унда иймон-эътиқод, юксак ахлоқий жиҳатлар бор. Лекин унинг баъзи зарарли жиҳатлари ҳам йўқ эмас-да! Айтайлик, аксарият кишилар одамлар эшитса нима дейди, деб, ўз ҳолини элга ошкор қилишдан ийманади. Айрим бўйдоқлар эса ўз "эркинлик"ларини оилавий ҳаётга алмаштиришга рози эмаслар. Уларнинг бўйдоқликда яшашларига сабаб омиллар масаласи жамиятимизда тузукроқ ўрганилган эмас.

Ёлғиз яшовчиларнинг кўпайишига бугунги хотин-қизларимизнинг иқтисодий ва маънавий жиҳатдан мустақилликка интилишлари ҳам бир сабабдир. Бундан хулоса шуки, одамни ёлғизликка ундайдиган бошқа сабаблар ҳам мавжуд бўлса керак. Худди мана шу ҳолат бизни чуқурроқ мулоҳаза қилишга ундайди.

Оила қурмай, ёшини ўтказиб юборган ёлғизлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг кўпчилиги ҳеч қачон ўз тақдиридан нолимайди. Ҳатто баъзилари ўз руҳониятини ниҳоятда баланд тутади. Одатда бундай кишилар кўпинча, бирор ишга қаттиқ кўнгил қўйган бўлади. Уларнинг эҳтирослари, ўй-фикрлари, интилишлари мана шу ишга қаратилган. Бундай кишилар баъзан фан, маданият, санъат арбоблари, ҳарбийлар, ўқитувчи ва муҳандислар орасида ҳам учраб туради. Улар севган касблари билан болалар тарбиясини бирга қўшиб олиб боролмайди. Шу боис улар шу икки йўлдан бирини ўзларича танлаб олади. Назаримизда, ишдаги муваффақиятлар уларга куч-қудрат, бирдамлик ва қувонч бахш этса керак. Қисқаси, бундай кишиларнинг ишдан бўлак овунчоғи йўқ.



Юқорида келтириб ўтилган ҳамда қуйидаги мисоллар шуни тасдиқлайдики, ҳаётдаги ҳар қандай ҳодиса тўғрисида чуқурроқ ўйлаб кўриш зарур бўлади.

Келинг, ёлғизликлари туфайли бахтсиз бўлиб қолган кишиларнинг аҳволи, хулқ-атворларини кузатиб кўрайлик. Биринчи тоифа ёлғиз кишилар оила қуришни, ўзлари хоҳласалар ҳам сира уддалай олмайди. Уларга оиладан гап очсангиз, жаҳли чиқиб, тутоқиб кетади. Тағин бир тоифа кишилар борки, улар ўз оиласига эга бўлишни хоҳламайди. Айтиб ўтилган тоифаларнинг охиргисига бирор нарса дейиш қийин. Негаки, бундай кишиларда оила қуришга истак йўқ. Бу важларнинг тагида кўпинча жиддий жисмоний нуқсонлар ётади. Биринчи тоифа бўйдоқлар сони ёлғизлар орасида кенгроқ тарқалган. Улар табиатан тортинчоқ, журъатсиз кишилардир. Бундайлар аёллар орасида янада кўпроқ учрайди. Улар ўйин-кулги қилинаётган давраларда ҳам бир чеккада бекиниб, уялиб ўтиришади. Бошқаларга умуман сезилмайдиган камчиликларини ҳам ўзларича муҳим санаб, ўзгалардан яшириб ўтиради. Шу сабабли бу хилдаги эркак ёки аёл ўзларининг шаддод тенгдошларидан орқада қолганини сезмайди.

Турмушга чиқа олмаётган қизлар хаёлида доимо "идеал" эрни қидириб бекорга овора бўлади. Бундай аёллар турмушга чиққудек бўлсалар ҳам ўз жуфти ҳалолларига сира ён босмайди ва тез ажрашиб кетади. Ёшлари қирққа яқинлашиб қолгач, бу "қариқиз"лар ёрдам беришни сўраб, танишув хизматларига мурожаат қила бошлайди. Турмуш қурмай келаётганлар орасида ота-онасининг ягона, севимли фарзанди бўлганлар ҳам учрайди. Улар ота-онасининг иссиқ бағридан ажралишни фожиа деб билади. Уларнинг кўнглига қарасангиз, ўзлари ўрганиб қолган турмуш тарзини ўзгартирмасликни хоҳлайди. Мабодо, турмушга чиқса ҳам ҳақиқий уй бекаси бўлиб, рўзғорни тебрата олмайди. Бундайлар рўзғорини ота-онасининг кўрсатмаси билан бошқариб боради. Ўз онажонларининг эркатойи бўлган бу қизларнинг эрдан чиқиб, ота уйига қайтиб келиши тез-тез учраб туради.

Оиланинг ҳақиқий баҳоси ва қадрини биладиган, болалигидан оила бағрида ўсган ёшлар оила қуришга интилади. Хотин-қизларда оналик инстинкти, эркакларда оталик туйғуси кучли намоён бўлиши учун улар болаликданоқ ўз ота-оналарининг ғамхўрликларини ҳис қилишлари керак.

Афсуски, оила қуришдан қатъиян воз кечган эркак ва аёллар ҳам йўқ эмас. Улар орасида ўқимишли, саломатлигига эътибор берадиган кишилар ҳам бор. Уларнинг фикрича, гўё сўққабошлар оилаliларга нисбатан ўз иши билан жамиятга кўпроқ наф етказармиш. Ҳолбуки, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва қудрати оилаларда дунёга келадиган ва тарбия топадиган одамларнинг сонига боғлиқ! Оилавий ҳаётнинг лаззатини ҳис қилмаган кишиларга буни қандай тушунтириш мумкин? Шахсан мен ўзим арзимаган баҳоналарни рўкач қилиб турмуш қурмаган кишиларни биламан.

Масалан, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ўзим ишлайдиган институтда 35 ёшлар чамасидаги бир аёлнинг ёлғиз яшаб келаётганидан хабар топдим. Оқ юзли, келишган бу аёлнинг турмуш қурмай келаётганини кўриб, йигитларнинг кўзи қаерда экан, деб хафа бўлиб кетдим. Билсам, унинг турмушга чиқмаслигига ўтакетган шаллақи, суюқоёқ онаси сабабчи экан. Онасининг феъли-ю, утумларидаги доғлар қизнинг бахтини бўғиб қўйибди.

Яна бир тоифага оид бўйдоқларга мисол келтирай. Адабиётсевар бир ҳамкасбимникида меҳмон бўлиб қолдим. Унинг қирқларга яқинлашиб қолган ўғли билан танишдим. У кибернетика институтида ишлаб олим бўлибди. Бироқ ҳануз оила қурмай келаётганини эшитиб, анча сергак тортдим. Унга тезроқ уйланишни маслаҳат бердим. У эса оила қуриш менга тўғри келмайди, ҳали яна илмий ишимни давом эттираман, деди. Бир-икки йилдан кейин ота-онаси бирин-кетин вафот этиб кетди. Оила қуришни ортиқча юк деб билган ўғил эса ҳануз бўйдоқ. Мен уни ҳар сафар кўрганда йўлга солишга уринаман, лекин...

Оилавий ҳаётни жойига қўя олмаган яна бир инсонни яқиндан билардим. У 25 ёшда уйланиб, икки фарзанд кўргач, маълум сабаблар билан хотини билан ажрашиб, Тошкентга келган. Шаҳарда уч хонали квартираси, тагида машинаси бор. Ўзи обрў-эътиборли шифокор. Бироқ мана ўн беш йил ўтибдики, ҳануз ёлғиз. Бу ҳақда гап очсангиз, қизишиб хафа бўлади. Унга қараб туриб, унинг аёл зотидан қаттиқ кўнгли қолганмикан, деган хаёлга борасан киши.

Халқимизда "онасини кўриб, қизини ол" деган гап бор. Бизнинг бокира ва бокарам қизларимиз ота-она ижозатисиз бирор йигит билан ўзи топишиб оила қуриб кетмайди. Одатда йигит билан қиз доимо атрофдагилардан ийманиб, тортиниб учрашади. Баъзи ота-оналар куёв етарли даражада бадавлат бўлмаса, уни яқинига ҳам йўлатмайди. Куёвни бадавлат, топармон деб билсалар, минг хил тузоқ ва қопқонлар қўйишга интилади. Буларга сабаб шуки, бизда ҳали ҳам молпараст оналар етарликча топилади. Айниқса, Тошкентда бу жуда илдиз отиб кетган.

Оила қуриш инсонга Аллоҳнинг буюк марҳаматидир. Унинг илоҳий неъматлигини болаларимиз ёшлигидан тушуниб бориши жоиз. Оила жамиятнинг муҳим бўғини эканини ҳамиша ёдимизда тутиш, фарзандларимизни оилага меҳр-муҳаббат руҳи билан тарбиялаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**

## БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

***— Уй бувимнинг номида. Бувимнинг 3 нафар фарзандидан ҳеч бири ҳозир ҳаёт эмас. Фақат тўққиз нафар набира қолганмиз. Ўша уйни набиралар келишиб биримизнинг номимизга ўтказмоқчи эдик. Бир неча нотариусга мурожаат қилсак-да, ишимиз битмаяпти. Бундай ҳолатда кимга мурожаат қилишимиз лозим?***

*Тошкент шаҳридан*
*У.Исламов*

— Нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жойи ва вақтини, мерос мол-мулки таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатини ҳамда қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Агар меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига ўтади.

Шунга кўра, бувингиз вафот этган бўлса, вафот этган жойдаги давлат нотариал идорага бувингизнинг никоҳ тузилганлиги ва ўлим ҳақидаги гувоҳномалар, вафот этган 3 нафар фарзандларнинг туғилганлик, никоҳ ва ўлим ҳақида гувоҳномалари, набираларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Бунда набиралар ўзаро келишган ҳолда ўзларига тегишли бўлган мерос улушини бир кишининг фойдасига воз кечиш ҳақида нотариусга ариза тақдим этиши лозим. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

Агар нотариус меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида беришдан асоссиз равишда бош тортса, Адлия вазирлигининг "1-008" рақамли ишонч телефонига ёки бевосита мурожаат қилиниши мумкин.

**Саволга Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилбаҳор ЯКУБОВА жавоб берди.**

## ТААССУФ

*... Она бир эшакли ўткинчига кафтларини узатди.*

*— Мана шу қизалоқни олиб кетинг, катта бўлса, эшигингизни супуради! — деди. — Бир ҳовуч кепакка бераман, бир ҳовучгина!*

*Ўткинчи ўзини эшитмасликка олди. Бозор учун нарх-навони сўрамади. Бошли-кўзли болани сўраб-суриштирмади...*

*Оналар... тасбеҳдай-тасбеҳдай тизилиб ўтирди. Она бир йўловчига қўл чўзди.*

*— Мана шу қизалоқни ола кетинг, сизга қиз бўлади! — деди. — Бир кулчага алмашаман, бир кулчага!*

*Она бир йўловчига боласини кўрсатди.*

*— Мана шуни зоғора нонга алмашаман! — деди. — Кафтдай зоғора нон бўлса бўлади!..*

*— Сиз кимнинг зурриётини бозорга олиб чиққанингизни биляпсизми? Кимсан, Мирзахўжабойнинг зурриёти!*

*Она миқ этмади. Она ерга тикилди.*

*— Мирзахўжабойнинг зурриёти-я! — деди Ботир фирқа. — Чин, Мирзахўжабойлар совет ҳукуматини тан олмай, Афғонистонга қочиб кетди. Лекин у киши Саидхўжа эшоннинг тўнғич ўғиллари. Бир сўз билан айтсак, эшонзода, эшонзода!*

*Ана шунда, она тилга кирди. Желаги ёқаси билан оғзини ушлаб тилга кирди.*

*— Бир норасиданинг товонига қолмайин деяпман-да, фирқа бова, — дея йиғлади. — Шугина норасида пешонамга сиғмаяпти!*

*— Шугина бир... гўдакни боқиб бўлмай қолдими?*

*— Йўқ-да, фирқа бова, йўқ-да. Хонумонимиз куйди! Биз куйиб-куйиб... кул бўлдик!*

*— Мирзахўжабойни гўдаги учун-а?*

*— Кунжара берсам, емаса нима қилайин? Зоғора нон отлиққа йўқ бўлса, нима қилайин?..*

# БОЛАНГ неча пул, ОНА?!



Мазкур тасвир Тоғай Муроднинг XX аср ўзбек зиёлиларининг кўргиликлари, дард-аламлари, фожиалари ҳақида сўз юритувчи "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" романидан бир парча эди. Унда қизини боқолмай қийналиб қолган эшон келини аслида нон учун ўз боласини бозорга солаётган эмасди. Унинг нияти холис: фарзанди онаси ўлимидан сўнг қаровсиз, оч-наҳор ўлиб кетмаслигини, ўзига тўқ бир оилада вояга етишини чин дилдан истарди. Чунки ўша замон парча нонга зор, одамлар кунжара еб қорни шишиб, кўча-кўй жасадларга тўлган бир давр эди.

Биз учун эртакка айланган у кунлар, шукрки, тарихда қолди. Бугун тинч-осойишта, тўкин-сочинлик замонида яшаяпмиз, фарзандларимизни истаганимиздек вояга етказиб, орзу-ҳавасимизни кўнглимиздагидек амалга оширяпмиз.

Тарихга бир назар солинг. Қирғинбарот уруш йилларида, очлик, қаҳатчилик, зулм урчиган бир даврда халқимиз минглаб болаларни ўз қарамоғига олиб, меҳр билан вояга етказган. Ваҳоланки, ўша кезлари ҳам бир бурда нонга зор алфозда кун кечирилган. Бор-будини сотиб рўзғор тебратса-да, бирор бола кўчага ҳайдалмаган, оила меҳрига зориқиб ўсмаган. Болалар у ёқда турсин, улар ётган бешик-да сотилмаган. Аксинча, борлари қаторига етим болаларни ҳам қўшиб асраган. Шунча зуғум, ситам, машаққатга қарамай, ёруғ кунларга умид боғлаб, тиним билмай меҳнат қилиб яшашда давом этилган. Ўшанда дунё аҳли ўзбекнинг чинакам болажонлигию, инсонпарварлигининг, чексиз меҳр-муҳаббатининг шоҳиди бўлган. Ҳали-ҳануз ўша кўмак, ўша меҳр иликлик билан ёдга олинади.

Бироқ бугун меҳрдан узоқлашган, азалий қадрият ва анъаналаримизни англаш бахтидан мосуво, юраги тошга айланган айрим ҳамюртларимиз дунёга болажонлиги билан танилган ана шундай буюк миллатимиз шаънини топтамоқда, инсоний туйғуларимизга путур етказмоқда.

Биз "аёл" сўзини энг чиройли таърифлар билан айтишга одатланганмиз. Уни қуёшга, ойга, гулга қиёслаймиз, шиддатини дарёларга менгзаймиз. Аёл ҳам ўзининг меҳру муҳаббати, фидойилиги билан умри давомида бу қиёсларга муносиб яшашга интилади. Шу боисдан бўлса керак улар билан боғлиқ кўнгилсизликларни оғриқли тарзда қабул қиламиз.

Аёл бунёд этиш, барпо қилиш, бирлаштириш учун яратилган, аслида. Унинг ножўя хатти-ҳаракатлари эса қонунга ҳам, дину диёнатга ҳам тўғри келмайди. Жамият ҳам кўз юмиб кета олмайди бу ҳолатларга. Айниқса, гап тирикчиликни рўкач қилиб ўз фарзандини пуллаётган, улардан юз ўгираётган оналар ҳақида кетса!

Интернет нашрларини кўздан кечирарканмиз, туғибоқ ўз боласини ўлдирган она, туғруқхонадан чиқишга улгурмай чақалоғини пуллаётган аёл ёхуд ваҳшийларча зурриётини калтаклаган, пичоқ санчган, тириклай кўмганлар ҳақидаги нохуш хабарларга гувоҳ бўламиз. Бу мазмундаги хабарларнинг кунда бўлмаса ҳам кунора учраб турганининг ўзи ачинарли ҳолат.

*"2 ойлик боласини тинчлантириш учун спирт берган она гўдакнинг ўлимига сабабчи бўлди", "Болалар ўйнаётиб чақалоқ жасадини топиб олишди", "Чақалоқфуруш раҳбар ва унинг ёрдамчилари қилмишига яраша жазоланди", "Фарзандини чиқинди қувурига ташлаб юборган аёл 12 йилга қамалди", "8 ойлик чақалоқ онаси томонидан 90 марта пичоқланди", "Она янги туғилган чақалоқни кўчага ташлаб кетди", "Янги туққан аёл ўз хуштори билан келишиб, боласини сотди", "Воронежда чақалоғини сотмоқчи бўлган жуфтлик пулига Ўзбекистонга чипта сотиб олмоқчи бўлган"* каби сарлавҳаларнинг ўзиёқ "инсонман" деган танни жунжитиб, руҳиятни бир қалқитади. Уларни ўқий туриб ачинамиз, аччиқланамиз, ғазабимиз аланга олади ва ўрни келганда ўша аёллардан жирканамиз, ор қиламиз. Бу нобоп кимсаларни миллатимиз вакиласи эканлигидан уяламиз ҳам. Чиндан-да ўзбек аёли учун иснод, уят бу ҳолатлар. Қуйида баъзи қилмишлардан мисол келтирсак, айни муддао бўларди, назаримизда.

Ҳеч бўлмаганда, тўртинчи фарзанди ўғил бўлишидан умидвор Наргиза (исми ўзгартирилган) тағин қиз фарзанд кўрди. Бироқ эрининг ўз пушти камаридан воз кечганидан хавотирга тушган аёл чақалоғини туғруқхонанинг ўзида сотишга уринди. Бу ҳақида хонадошларига шипшитиб ҳам қўйди. Осонгина топила қолган воситачи эса она меҳрига тўйиб улгурмаган гўдакни 5 миллион сўмга баҳолади. «Олди-сотди»ни амалга ошираётган жиноятчилар кафеда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Қаранг-а, фарзандига ҳаётнинг оқу-қорасини танитиш бурчи бўлган онанинг ўзи жиноятга қўл урса?! Тағин ўз боласи "сотувчиси"га! Одамфурушлар-ку мўмай даромад орттириш илинжида танимаган, билмаган одамларини дунё бозорида пуллар. Лекин тўққиз ой жисмида авайлаб-асраган фарзандидан арзимаган пул эвазига воз кечиш инсонийликнинг қай меъзонига тўғри келаркин, изоҳлашга ожизмиз.

Яқинда телевидениеда кўрсатилган яна бир жиноят бундан-да ўтиб тушди. Аёл тўрт яшар ўғлини бир квартира баҳосига (16 минг АҚШ доллари эвазига) сотмоқчи бўлганда қўлга олинган. Хабарда айтилишича, аёл оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиб, бола давлат қарамоғига топшириларкан. Ақлини анча таниган, она меҳрига боғланиб қолган гўдак эса онасидан айрилишни истамай, унга талпиниб, юм-юм йиғларди...

Аслида оналар гўдагига шамолни ҳам раво кўрмайдиларку! Боласи бир "уҳ" деса, ўттиз икки томиридан оғриқ келади, ахир. Наҳот бу аёлларни фарзандининг кимлар қўлида, қандай оилада, қандай муҳитда вояга етиши қизиқтирмаса?! Келажак ҳаёти ўйлантирмаса?! Моддий бойлик эвазига фарзандини сотган оналарни қандай оқлаш мумкин-а?! Меҳр ила боқувчи қаро кўзларни ўзга қўлга бир буюмдек бепарво топшириш ақлга сиғадими ахир? Ёки сут тиши чиқаётгани боис эмаётган онаси кўкрагини тишлаган чақалоқ волидаси томонидан тиғ билан бир неча бор "жазоланишга" маҳкуммиди? Оромини ўйлаб, бир ёшга ҳам тўлмаган гўдагига алкоголь бериб, натижада фарзанди қотилига айланган она-ни-чи? Шу кунга қадар дунё аҳли бундай разилликни эшитганмиди? Наҳот, оналик ҳисси йўқ бу аёлларда?

Ҳали тили чиқмаган гўдак забони билан тушунтиришга қодир бўлмаса-да, меҳрли кўзлари, жажжи қўллари билан ҳисларини баён эта олади. Қорни очса, димоғига таниш ҳидни қўмсаса, бор овози билан чинқириб йиғлайди. Шунда юпатгувчи биргина она бўлади. Ёлғиз — она!

Энди ўзингиз айтинг, таниш бағирдан, таниш чеҳрадан айро яшаш мурғак қалб учун осон кечармикан?! Кун келиб ҳақиқатдан хабардор бўлса, беғубор қалби озорланмасмикан, гулгун чеҳраси ёшланмасмикан? Ёки туғилган заҳоти кўз очиб кўргани — волидаси томонидан тириклайин пакетга ўраб чиқиндига улоқтирилган чақалоқнинг уволи тутмайдими бир кун? У ҳам барчамиз сингари тирик жон эди, унинг ҳам бу ёруғ оламда яшашга, тоза ҳаводан тўйгунича нафас олишга, мусаффо осмон остида эмин-эркин улғайишга ҳаққи бор эди. Бироқ нафс балосига йўлиққан, ҳаром йўлни манзил тутиб, бегона эркаклар бағридан қўним топган ва алалоқибат қилмишини яшириш учун фарзандини туғилмай ўлимга маҳкум этаётган "оналар" сабаб кунда бўлмаса ҳам, кунора бир норасида қурбон бўлмоқда.

Таҳорат олиб, суралар ўқиб фарзандини эмизган оналар ёки кунора 10-15 та фарзанди кир-чирини ювиб, 40-50 талаб нонни ёпган, шам ёруғида бўлса-да, Бухорий, Навоий, Қодирийларни ўқиб, болаларига ҳам китобни ошно эттан аёл сиймоси бугун тушга айлангандек гўё. Аслида ўшалар сабаб дунёга танилган ва ислом маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк муҳаддислар, олимлар, авлиёлар етишиб чиққан эди!

Тўғри, бугун ҳам аёл — она, рафиқа, келин, уй бекаси, жамиятнинг фаол иштирокчиси. Уй юмушлари, бола тарбиясидан ортиб турли соҳаларда жавлон уриб меҳнат қилаётган нозик хилқат вакилалари жамият тараққиётига, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшишга улгураётгани ҳам айни ҳақиқат. Балки шунинг учун бугун она — тадбиркор, фермер, ихтирочи, ҳарбий, муҳандис, ҳатто президент бўла олди. Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек эл корига яраш нари турсин, бешик тебратишга-да ярамаётган, балки истамаётган, енгил-елпи ҳаётга ўрганган, моддийликни устун қўйган "ожиза"лар сабаб ўзбек аёлига "қотил", "жиноятчи", "фирибгар" тамғалари ҳам урилаётир.

Ҳар бир инсон хато, гуноҳ ёки афсус-надомат эмас, балки ўзидан яхши ном — тарбияли, ўқимишли, ватанпарвар, жонкуяр фарзандларни вояга етказиш учун ҳаёт йўлларини бир-бир босиб ўтади.

Тўғри, "жиноят", "жиноятчи" сўзлари ҳар замон ва маконда бўлган. Бироқ бу тамға асло аёлларга ярашмас. Аммо минг истамайлик, бугун аёл шаънини ерга ураётган жиноятлар қандайдир олис ўлкаларда эмас, юртимиз, кўчамиз, маҳалламизда содир бўлаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Азиз муштарий, бундай ҳолда сизу биздан фақат ҳушёр нигоҳ талаб этилади. Чунки ёнгинамизда эгри йўлга қадам ташлашга шайланиб турган қиз, аёл, она бўлиши мумкин! Эҳтимол, улар бизнинг маслаҳатимиз, насиҳатимиз, кўмагимизга эҳтиёжмандdir...

*"... 1933 йил тўлди.*

*Нон чучук бўлди. Нон ширин бўлди. Ота ўз ўғлини бир зоғора нонга алмашди. Она ўз қизини бир ҳовуч кепакка алмашди. Одамзод кунжара ейишгача борди..."*

Бугун-чи?..

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

## АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

— Хўш нима гап?

— Айрим йиллари ўша дарёларнинг сатҳи тушиб кетаяпти, сув камчил бўлиб қолаяпти. Натижада бу дарёлардан фойдаланишда қийналаяпмиз.

Брежнев жим қолди, кичкина сукутдан сўнг:

— Уни-буни билмайману, лекин ҳар йили баҳорда ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар, миллион-миллион гектар экин майдонлари сув остида қолиб кетаяпти. Уларни тиклаш, ўрнини босиш учун Давлат бюджетидан миллиард-миллиард ҳажмдаги маблағлар ажратилмоқда. Кейин, ахир бу машина канали бўлади-ку, улар об-ҳаво бизга катта зиён келтираётган баҳор ва тўлиб-тошиб бекор оқиб ўтган куз-қиш пайтларида ўзларининг сув омборларини тўлдириб олишади. Агар сен айттандек, дарёлар сатҳи пасайиб кетса, кемалар юрмай қолса, бундай воқеалар, олимларнинг гапи бўйича, 10-11 йилда бир марта бўлар экан ва бу канал мабодо, жиддий асоратга олиб келадиган бўлса, ўша сувни кўтариб бераётган насосларингни маълум муддатга ўчириб қўясан, вассалом. Ўзбекистон, Қозоғистон, бошқа республикалар бўлса, ана шу сувлардан мева-чева, сабзавот, муҳими, пахта етказиб беради.



# БИР ЛАҲЗАЛИК ДИЙДОР ХОТИРАСИ

Бу нимаси, шундай ер, сув захираларига эга бўла туриб, айрим йиллари ҳатто миллион-миллион тонна ғаллани хориждан сотиб олишга тўғри келаяпти. Ундан ташқари, Болтиқбўйи, Иваново, Москва атрофидаги шаҳарларнинг енгил саноати ўзбек пахтасида ишлаяпти-ку, ахир, — деди.

— Бер, ўша сувларингни Рашидовга. Бундан фақат фойда кўрамиз.

Леонид Ильичнинг кўп нарсалардан хабари бор экан, — деб ўйлади Марказқўмнинг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича котиби, Брежнев хонасидан чиқиб келар экан.

"Бу сув гадоси — ниятига эришмай қолмайди, шекилли. Берсак берақолайлик, ўша бекор оқиб ўтган сувларни, барибир улардан бизга фойда кам, лекин Ўрта Осиёдаги бизнинг қадимдан олиб бораётган сиёсатимиз барча ер усти ва ер ости фойдали қазилмаларию, пахта ва бошқа ноз-неъматларни уларнинг ўз ички захиралари, ички имкониятлари ва ўз меҳнатлари ҳисобига етиштириш, ишлаб чиқариш эди-ку. Леонид Ильич кўнгил бўшлик қилмаяптимикан-а? Ундан кейин бу Рашидовга тенг келиб бўлармиди?" — деб ўйлаб қолди котиб. Сиёсий Бюро аъзоларидан Брежневдан ташқари ким икки марта қаҳрамон бўлди, ким 11 марта Ленин ордени совриндори бўлди? Рашидов. Бу оқпадар ҳам яхши ишлайди, ҳам ҳурмат-эътиборни ўрнига қўяди.

Бунинг устига Бош секретарнинг қарорига эътироз билдириб бўлармиди?!

Рашидов, Қўнаевлар яхши ишлашибди, деган хулосага келди у. Партиядан ҳам ўзларини юқорироқ тутаётган рус ёзувчи, зиёлиларини эса, Брежнев бир оғиз айтса, Андропов тинчита олади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди, Иттифоқ режа ташкилотлари ва совет фани олдига 10- беш йилликда Сибирь дарёларининг қуйи оқимидаги сувларнинг бир қисмини Ўрта Осиёга ташлаш юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказиш ва лойиҳа ишларини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди.

Натижалар ҳам ёмон бўлгани йўқ. Собиқ Совет Иттифоқининг энг олий бошқарув органи бўлган КПССнинг XXV, XXVI съездлари икки беш йиллик мобайнида Шароф Рашидов кўтарган масалалар юзасидан махсус қарорлар қабул қилди. Шундай қилиб Сибирь дарёларининг қуйи оқимидаги катта сув захираларини Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларига ташлаш бўйича «Аср лойиҳаси» номи билан машҳур бўлган ноёб режа дунёга келди.

Съезд шундай қарор қабул қилар экан, Шароф ака учун бу машаққатли меҳнатининг юзага чиқиши, бир сўз билан айтганда — ғалаба эди. Бу сўзсиз Шароф акани илҳомлантириб юборди.

Кўп ўтмай, Политбюро топшириғи билан Сибирь дарёлари сувларини Ўрта Осиёга ташлаш Бош лойиҳаси ишлаб чиқилди, канални қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бунга СССР давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилди. Иттифоқдаги барча ирригация ва мелиорация идоралари, қурилиш корхоналари, машинасозлик заводлари, Иттифоқ ва бир қатор республикаларнинг тармоқ вазирликлари, тадқиқот институтларининг илмий салоҳияти жалб этилди. Ўзбекистондан, Қозоғистондан сунъий дарё ўтадиган, йилдан-йилга қуриб бораётган Орол денгизига бориб қуйиладиган каналнинг йўллари (трассалар) белгиланди. СССР заводларида сув ҳайдаб берадиган баҳайбат насослар, ичига катта юк машиналари сиғадиган пўлат қувурлар, сувларни очиб-ёпиш мосламалари (задвижкалар) ишлаб чиқарила бошланди.

Лекин кўп ўтмай Брежнев, Шароф ака оламдан ўтдилар. Қўнаев яккаланиб қолди. Кейин уни ҳам нафақага жўнатишди. Совет Иттифоқи тарқатиб юборилди. Иттифоқ тарқалгандан кейин эса Россияда маълум муддат очиқ миллатчи, шовинистик доиралар устун кела бошлади. Ҳам Россия, ҳам Марказий Осиё давлатлари халқлари турмуш даражасини кўтарадиган, ҳаётини ўзгартириб юборадиган ажойиб Аср лойиҳаси барбод бўлди. Ҳеч муболағасиз бутун дунё халқларини тобора танқис бўлиб бораётган ширин-шакар боғдорчилик маҳсулотлари, экиндан ҳозиргина узиб олинган кўк сабзавот маҳсулотлари, узум, олма, анор, қовун-тарвуз етиштириш ниятлари рўёбга чиқмай қолди.

Навбатдаги мавзуни қаламга олмоқчи эмас эдим. Ахир, бу мавзу — қайтарилавериб, сийқалашиб, кўпчиликнинг бадига уриб кетган, боз устига кейинроқ бу ҳақда "амалга ошириб бўлмайдиган лойиҳа" деган хулосалар чиқарилган эди. Яна бунинг устига ўша пайтдаги СССР раҳбарияти, Михаил Горбачёвдан кейин мамлакатнинг иккинчи раҳбари Егор Лигачев, Россия ижодий жамоатчилиги, зиёлилар бу лойиҳага ўзларининг қарши эканлигини билдирган эдилар. Шу лойиҳа бўйича КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий Бюросининг қарори эълон қилинди. Демак, нима деманг, ҳаммаси бекор, бефойда, амалга ошириб бўлмайдиган иш. Лекин шу билан биргаликда Марказий Осиё давлатлари учун бу — биринчи ўриндаги муҳим мавзу эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Лекин сўнгги йилларда Сибирь дарёларининг сувига тегиб бўлмайди, суви қуриган дарёларда кемалар юра олмай қолади, умуман, бу оғир ва асл ҳолига қайтмас экологик ўзгаришларга олиб келади, дейилган эди ва Сибирь дарёларининг қуйи оқимидаги сувларини Ўрта Осиёга ташлаш масаласи унутила бошланганди. Шу мавзуга қайта мурожаат этишимизнинг сабаби шундаки, сўнгги пайтда Россиянинг давлат федерал телевидение каналлари, газета ва журналларида Сибирь сувлари Қозоғистон чўллари орқали Хитойнинг Жануби-ғарб ҳудудларига етказиб берилди, деган чиқиш ва мақолалар пайдо бўлиб қолди.

Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур, дейди доно халқимиз. Демак, Қозоғистоннинг шимолий чегарасига яқин ҳудудда фойдаланилмай ётган, илгари, "Аср лойиҳаси"ни атайлаб бекор қилиш мақсадида мавжудлиги инкор этилган катта, ортиқча сув захираларининг борлиги аниқ. Фақат уни кимгадир осонликча берадиган анойи йўқ. Лекин бир нарса бизни бироз бўлса-да тинчлантиради. Давлатлар ўртасидаги янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бу масаланинг ечимига аниқлик киритиши шубҳасиздир. Фойдаланилмай ётган Шимолий Муз океанига бекорга оқиб кетаётган сув захираларидан мўмайгина даромад олиш бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир давлат ва тадбиркорнинг айни муддаосидир. Сибирь дарёлари сувлари шундоққина Россиянинг биқинида бўлган Ўрта Осиё ерларига келадими ёки транзит йўли билан тўғридан-тўғри Хитойга ўтиб кетадими, ҳали номаълум. Лекин бир нарса аниқки, Шароф Рашидовнинг ўтган асрнинг 60–70-йилларида "Аср лойиҳаси" деган ном билан жаҳонга машҳур бўлиб кетган лойиҳаси ўзининг ҳаётийлигини, актуаллигини яна бир марта тасдиқламоқда. Бу Рашидов ҳақиқатларининг яна биттасидир.

Фикримни асослаш учун, шу ерда машҳур адибларнинг мулоҳазали гапларини мисол қилиб келтирмоқчиман. Бернард Шоу: *"Буюк ҳақиқатлар ҳамиша аввалига жиддий эътиборга олинмаган, ҳазил деб топилган"*, Алберт Швейцар: *"Ҳар қандай катта ҳақиқатнинг қисмати аввалига инкор этилиб, кейин тан олиш билан якунланади"*, — деса, А.Ламартин исмли Ғарб донишманди шундай дейди: *"Утопиялар кўпинча вақтидан аввал айтиб қўйилган ҳақиқатлар бўлиб чиқади"*. Бу гаплар Шароф Рашидов ҳақиқатларининг исботига яққол мисол бўла олади.

Сўнгги йилларда собиқ Иттифоқ маъмуриятининг иш услуби бироз ўзгарди. Ҳар ҳолда Хелсинки Шартномаси имзоланди, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўл қўйилди. Очиқ қатағонлар тўхтатилиб, пинҳоний иш услубига ўтилди. Айниқса, ер ости ва ер усти бойликлари жадал суръатлар билан олиб чиқиб кетила бошланди. Мурунтов, Учқудуқ, Ангрен, Олмалиқ, Поп, бошқа биз билган ва билмаган тилло конларидан бойитилган олтин рудаларини вагон-вагонлаб эмас, эшелон-эшелон қилиб олиб кетаётганларини ўз кўзим билан кўрганман. Худди шундай, валюта баҳосида юрадиган миллион-миллион тонна пахта, пилла, уран, ҳўл мева, полиз маҳсулотлари ҳаммаси сув текинга олиб кетилар эди. Давр шунақа, тузум шунақа эди, муносабатлар шунақа эди.

Шароф ака бунга бефарқ эдилар, дейдиганлар бекор айтишади.

У киши Москвадан, СССР бюджетидан оладиганини қандай бўлмасин ундириб олар эди. Юзлаб тонна тоза, қимматли хомашё бераётган Мурунтов олтин, Учқудуқ уран конлари Шароф Рашидов даврида ишга туширилди. Навоий, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ ва бошқа бутун-бутун бир ишчи шаҳарлари қад кўтарди. Қўриқ ва бўз ерлар очилиб, минглаб гектар янги экин майдонлари пайдо бўлди. Ўрта Осиёда ягона Тошкент метрополитени ишга туширилди. Чорвачилик, ғаллачилик, қўйчилик, бўрдоқичилик ривожланди. Минглаб иш ўринлари ташкил этилди.

Зилзила содир бўлган куни эртасигаёқ собиқ иттифоқ раҳбарлари Тошкентга етиб келишди. Шароф Рашидов даврида янги Тошкент қад ростлади.

Ана шундай оғир пайтда ҳам у киши оддий одам сифатида, комил инсонларга хос, кўпчиликка ўрнак бўла оладиган намунали ҳаёт кечирди. Буни биз бугун у кишининг яхши тарбия кўрган фарзандлари, кейин йирик давлат арбоблари бўлиб етишган шогирдлари мисолида кўришимиз мумкин.

Шунчалик ҳурмат-эътибор билан тинчгина яшаса ҳам бўлар эди-ку, бу улуғ инсон, деган фикр келади хаёлга. Йўқ, у ҳатто инсульт бўлганидан кейин ҳам, шифокорлар самолётда учишни тақиқлаб қўйганларида ҳам Ўзбекистон келажагини, халқининг фаровонлигини ўйлади ва адабий-бадиий, ижтимоий-иқтисодий-сиёсий-маданий фаолиятида, миллатимизни дунёга танитадиган кўп миллион тонналик ўзбек пахтаси учун курашини давом эттирди.

Энди Шароф Рашидовнинг бевосита иштироки бўлган, ўзим билан боғлиқ бошқа бир воқеага тўхталиб ўтмоқчиман.

*(Давоми бор.)*

**Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ,**
**СССР Давлат Телерадиоқўмитаси «Время» ахборот дастурининг Ўзбекистондаги (1978—1989 йиллар) махсус мухбири**

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

# ҚЎШИҒУ КУЙЛАРДА БАРҲАЁТ УМР

## МУСИҚА ФИДОЙИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, "Меҳнат шухрати" ордени ва "Офарин" мукофоти соҳиби, таниқли композитор, профессор Фарҳод Алимов серқирра ижодкор эди. Унинг турли жанрларда ёзиб қолдирган асарлари бундан далолат беради.



Фарҳод Алимов 1947 йил 23 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У ўсиб улғайган хонадонда мусиқа садолари янграб турар, отаси Ғуломжон ака моҳир скрипкачи эди. Ана шундай муҳитда тарбия топган Фарҳоджонни отаси 1959 йилда Р.Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатининг ғижжак синфига ўқишга беради. Бу ерда устози Турсунхўжа Носировдан илк сабоқларни олгач, бўлажак композитор Обид Холмуҳамедов, Фаррух Мирусмоновлар синфида таҳсил олади. Ғижжак билан бирга бошқа чолғуларни чалиш сирларини ўрганиб, 1965 йилда мактабни аъло баҳоларга тамомлайди.

Ёш йигитнинг профессионал созанда бўлиб етишишида мусиқа мактабидан сўнг Тошкент давлат консерваториясида (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси) олган билимлари ҳам катта ўрин тутди. Бу даргоҳнинг халқ чолғулари бўлимини 1970 йилда аъло баҳолар билан тамомлаган санъаткор ҳарбий хизматни ҳам ўтаб, 1971 йилдан республика радио қўмитаси қошидаги халқ чолғулари оркестри созандаси сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди.

Созандалик билан шуғулланар экан, санъаткор истеъдоди ва имкониятлари кўлами кенгроқ эканини дилдан ҳис этар, кун келиб, ўзи ҳам ҳозир ижро этаётган куйлари даражасидаги юксак савияли мусиқий асарлар ёза олишига ишонарди. Кўнглида ниш урган умид ва орзулари бора-бора жиддий мақсадга айланиб, уни Консерваториянинг композиторлик факультетига ҳужжат топширишга ундайди. Етарли билим ва тажрибаси қўл келиб, 1972 йил ўзи истаган факультет талабаси бўлиш бахтига эришади. Бу ерда устозлари Г.Мушел ва Б.Гиенколардан композиторлик сирларини ўрганади. Консерваторияда ўқиб юрган даврларида "Ғижжакчилар квартети", камер оркестр учун 3 қисмли сюита, торли чолғулар учун "Квартет" асарларини яратади. 1976 йилда консерваторияни икки қисмли симфония асари билан муваффақиятли тамомлайди.

Фарҳод Алимов 1975 йилдан 1995 йилга қадар Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтида, 1996 — 2013 йилларда эса Ўзбекистон давлат консерваториясида ёшларга сабоқ бериб, уларнинг ўз касбининг моҳир устаси бўлишларига салмоқли ҳисса қўшди.

Фарҳод Алимов ижодида халқ чолғулари оркестри учун асарлар муҳим ўрин тутади. Бу йўналишда композитор ижодий ўзлигини топган. Миллий маданият, халқ оҳанглари, ўзбек халқ чолғулари хусусиятларини мукаммал билгани боис халқ чолғулари оркестри учун бир қатор сара асарлар яратди. "Тўёна", "Шодиёна", "Табрикнома" увертюралари, "Концерт", "Поэма" каби асарлари шулар жумласидан. Улар жозибали ва ёрқин оҳанглари, кўтаринки руҳи, байрамона кайфият бахш этиши, енгил чолғулаштирилгани билан ажралиб туради.

Устоз санъаткор халқона куйлар басталаш билан бирга турли халқ куйларини оркестр учун мослаштириб, бу йўналишда юқори натижаларга эришди.

"Суғдиёна" давлат ўзбек халқ чолғулари камер оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, дирижёр Феруза Абдураҳимованинг таъкидлаганидек, "Фарҳод Алимов халқ куйларини қайта ишлашга ғоятда моҳир эди. У "Суғдиёна" давлат халқ чолғулари камер оркестрининг шаклланиши ва ижро репертуарини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди. Ўзбек композиторлари билан бир қаторда жаҳон мусиқа намуналарини, чет эл композиторлари асарларини мазкур оркестр учун мослаштирган. Ориф гармоннинг "Андижонча" куйини, "Қўшчинор" ўзбек халқ куйини чанг ва оркестр учун қайта ишлаган. Бундан ташқари, композиторнинг "Сен менинг ватанимсан", "Севги фавворалари", "Нодирабегим" спектаклидан Нодира арияси", "Фиғон куйи" асарлари оркестр томонидан муваффақиятли ижро этилган".

Фарҳод Алимовнинг яқин дўсти, талабалик даврларидан уни яхши таниган таниқли композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ҳабибулла Раҳимов шундай хотирлайди: "Фарҳод Алимов деганда кўз ўнгимизда ўзбек мусиқаси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ижодкор намоён бўлади. У ўзининг ижоди билан барча жанрлар ривожига самарали ҳисса қўшди. Композитор ижод орқали ўзлигини англади. Унинг ўзига хос бетакрор оҳанглари бошқа ижодкорларникидан алоҳида ажралиб туради. Бу айниқса, мусиқали драма ва комедияларида ёрқин намоён бўлди. "Юсуф ва Зулайҳо", "Фотима ва Зуҳра", "Нодирабегим", "Девона Машраб", "Топталган туйғу" мусиқали драмалари, "Супер қайнона -1, -2", "Ўлдинг, азиз бўлдинг", "Сойибхўжа операцияси" комедиялари халқ орасида машҳур. Қисқа давр мобайнида композитор бирин-кетин яратган мусиқали драмалар Муқимий номидаги мусиқали театрда аншлаг бўларди. Мазкур театрнинг асосий репертуарини Ф.Алимов асарлари ташкил этади. Фарҳод биринчи ўзбек видеофильмларига ҳам мусиқа басталаган. Улар орасида "Меҳробдан чаён", "Юсуф ва Зулайҳо" видеофильмларини алоҳида таъкидлаш жоиз".

Дарҳақиқат, Ф.Алимов мусиқали саҳна жанрларида катта ютуқларга эришди. Муқимий номидаги мусиқали драма театри композиторнинг ижод масканига айланди. 20 дан ортиқ саҳна асарларида композитор тарихий сиймолар ва улар амалга оширган ишларни кўрсатиб берди, замондошлар ҳаётини драма ва ҳазил-мутойиба орқали очиб, халқнинг кундалик ташвиши, ўй-хаёлларини мусиқа ёрдамида кенг ракурсда очиб бера олди. Жаҳон адабиётига мурожаат этган ҳолда, Софоклнинг "Электра", В.Шекспирнинг "Қирол Лир", Ф.Дюренматтнинг "Бир эшак ҳангомаси", Пиронделанинг "Пайванд" спектаклларига мусиқа басталади.

Фарҳод Алимов ажойиб қўшиқлар муаллифи ҳамдир. Унинг 100 дан ортиқ қўшиқ ва романслари, хор асарлари, болалар қўшиқлари, эстрада қўшиқлари ўз мухлисларини топган. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеъри билан айтиладиган "Сен қайдан биласан?", "Оҳу", халқ шоирлари — Нормурод Нарзуллаев, Хуршид Даврон, шоира Ҳалима Аҳмедова шеърларига басталаган қўшиқлари машҳур. Улар Коммуна Исмоилова, Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Замира Суюнова, Марям Сатторова, Ҳуррият Исроилова каби таниқли хонандалар репертуарларидан мустаҳкам ўрин олган.

Ф.Алимов кўп йиллар мобайнида консерваторияда дарс бериб, бир қатор шогирдларни тарбиялади. Улар орасида ёш истеъдодли композитор Сарвар Юсупов устозининг йўлидан бориб, бугунги кунда Муқимий театри репертуарини ўз асарлари билан бойитиб келмоқда.

**Муҳайё НАБИЕВА,**
**мусиқашунос**

# ҚАТРАЛАР

### БЕҲУДА КЕККАЙИШ

Айвоннинг томига елка тутган устуннинг баланд қисми қуйи қисмига мақтанибди:

— Аслида битта устунмиз. Лекин мен тепадаман, сен пастда. Тақдир-да бу, хафа бўлмайсан...

— Мен эса ерга яқинлигимдан хурсандман. Она ер нафасини туйиб, унга таяниб куч олмаганимда юзтубан бўлиб ерга қулармидик, оғайни?..

Бу гапни эшитган устуннинг юқори қисми хушёр тортибди.

### ЭРТА СУЮНГАН ТОШ

Баланд тоғдан сирғалиб тушаётган тош тоққа суяниб турган қояларга қийқирди:

— Ура! Энди мен сойгача етиб бориб унинг зилол сувларида чўмиламан. Сизлар эса бир жойда бир-бирингизга қапишиб тураверасизлар.

Тоғ ҳеч нарса демай, жимгина уни кузатиб қолибди.

Орадан ойлар ўтди. Баҳор келиб тоғ бошида қизғалдоқлар чўғдек ёниб кўзни қамаштирди. Бир тўп ёшлар лола сайлига келишди. Виқор билан савлат тўкиб турган тоққа қараб бир-бирига ҳаяжон билан:

— Қаранглар, қандай баланд тоғлар! Вой-бў, бунчалар кўркам бўлмаса, бошида лолалар гулхандек ёнади-я, — дейишди.

Тош тоғни узоқдан биринчи марта кўриб тургани учун олдин унинг бунчалар чўнг ва кўркамлигини билмаган экан. У ҳам бошқалар каби тоққа қараб маҳлиё бўлиб қолибди.

Тоғ шаънига мақтов ёғдираётганларнинг биронтаси ҳам сой бўйида ётган тошга эътибор бермабди.

Шундагина тош ёлғиз ҳеч нарса эмаслигини англаб афсус чекибди.

### МАҚТАНЧОҚ ҚОР

Оппоқ қор бурчакка уюб қўйилган тошкўмирга деди:

— Бунча қоп-қора бўлмасанг. Ёнингга яқинлашиб бўлмайди-я. Болалар менинг атрофимда қорбўрон ўйнашаётганини кўр. Оналари чақирса ҳам кетгилари келмайди. Ҳамма ўзини сендан олиб қочса керак.

— Адашдинг. Одамлар сенинг совуғингда музлаб уйга исингани кирганларида уларни печкада қизил чўғ бўлиб кутиб оламан. Ўша қорбўрон ўйнаган болалар атрофимда исиниб "Оҳ, бирам мазза-я", деб роҳатланганида қоралигимни ҳам унутаман. Одамларга фойданг тегиши қанчалар яхшилигини билмайсан-да!..

Қор тошкўмирга ўйламай гапиргани учун хижолат бўлибди.

**Ҳидоят ОЛИМОВА**

**» АЖДОДЛАР ҲАЁТИ — УЛУҒ МАКТАБ**

# ИМОМ БУХОРИЙ

## ҳаёти ва фаолияти

### Илмга садоқати, шахсий фазилатлари

Имом Бухорий ҳазратларининг нафақат буюк олим, балки гўзал хулқ-атвор, ҳиммат соҳиби бўлганликлари ҳақида манбаларда ибратли мисоллар кўп.



“Имом Бухорий бутун ҳаётларини ҳадис илмини мукаммал даражада ўрганиш ва жамлашга бахш этдилар, — дейилади “Олтин силсила” ҳадис китоблари мажмуасининг биринчи жилдида (“Саҳиҳул Бухорий, I жилд”, Тошкент, “Ҳилол-нашр” нашриёти, 2012 йил). — У киши қаерда бўлмасинлар, бу шарафли вазифани тарк қилмадилар. У киши асарларини, бу асарлар учун жамланган барча захираларни ўз қўллари билан ёзар, бундай масъулиятли ишларни ҳеч кимга ишонмас эдилар.

Аксарият асарларини тунда қоғозга туширардилар. Жуда ёшлик чоғлариданоқ Аллоҳ таоло битмас-туганмас ғайрат билан баҳраманд этган имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ўз тасаввурларида ярқ этган тоза фикрларни оқ қоғозга муҳрлаб қўйишдан мутлақо эринмас эдилар.

Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ шундай эслайди: *“Абу Абдуллоҳ билан сафарга чиқадиган бўлсак, фақат қаттиқ совуқдагина бир уйда ётар эдик. Мен унинг бир кечада ўн беш, йигирма марта туриб, чақмоқ олиб, чироқ ёққанини, сўнгра ҳадисларни тахриж қилиб белгилаб, яна бошини ёстиққа қўйганини кўрар эдим”.*

Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрий айтадилар: *“Бир кеча Муҳаммад ибн Исмоилнинг уйида қолдим. Унинг ўша кеча ўн саккиз марта туриб, ёдига тушган нарсаларни ёзиб қўйганини ҳисобладим”.*

Улуғ муҳаддиснинг шахсий фазилатлари тўғрисида ҳам мазкур китобда ажойиб маълумотлар келтирилади: “Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг ўзлари айтадилар: *“Ғийбат ҳаромлигини билганимдан буён бирор кишини ғийбат қилганим йўқ”.*

Аллома илми билан амали бир инсонлардан бўлганлар. Бутун инсониятни пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари воситасида яхшиликка чорлаб, ўзлари ҳам эзгу амаллар билан кишиларга шахсий намуна кўрсатганлар. У кишининг ҳаётларида қилган хайрли ишлари, дину диёнатга, виждонга садоқатлари ҳақидаги ҳикояларни ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас.

“Олтин силсила”дан ўқиймиз:

*“Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг мирзалари шундай ҳикоя қилади: “Бухорийга отасидан жуда катта мол мерос қолган эди. Уни музорабага берар эди. Қарздор унинг йигирма беш мингини бермай қўйди. Унга: “Волийнинг мактубини олсанг, ёрдам бўлади”, дейишди. Шунда у киши: “Мен улардан мактуб олсам, улар мендан тамагир бўлиб қолишади. Динимни дунёга сотмайман”, дедилар.*

*Бухорийга Абу Ҳафс берган юкни келтиришди. Кечқурун бир гуруҳ тижоратчилар келиб, унга беш минг дирҳам фойда беришни таклиф қилишди. У: “Бу кеча бориб туринглар”, деди. Эрталаб бошқа тожирлар келди ва ўн минг дирҳам фойда беришни таклиф қилишди. У: “Мен кечқурун аввал келганларга беришни ният қилган эдим, ниятимни бузишни истамайман”,* деди ва молни ўшаларга берди”.

Аллома ҳаётининг ибратли жиҳатларидан яна бири — у кишининг соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилганлари, бугунги тил билан айтганда, спорт билан шуғулланиб турганларидир.

“Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг мирзалари шундай дейди: *“У кўпинча улов миниб, ўқ отгани чиқиб турар эди. У кишига ҳамроҳ бўлганим давомида ўқлари мўлжалга тегмай қолганини фақат икки марта кўрганман. Бошқа барчаси теккан.*

*Фирабрда турганимизда бир куни ўқ отгани чиқдик. Бандаргоҳга олиб борадиган йўлга чиқиб, ўқ ота бошладик. Абу Абдуллоҳнинг ўқларидан бири анҳор устидаги кўприкнинг арқонига тегди. Арқон ёрилди. У буни кўриб, уловидан тушди. Ўқни арқондан чиқариб олди. Ўқ отишдан тўхтади ва: “Қайтинглар!” деди. Биз қайтдик. Шунда у менга: “Эй Абу Жаъфар! Сенга ҳожатим бор”, деди оғир нафас ола туриб. “Хўп!” дедим. “Кўприк эгасининг олдига борасан. “Биз арқонга зарар етказдик. Бизга унинг ўрнига бошқасини тортишга ёки қийматини тўлашга ижозат беришингни ва бизни қилган нарсамиз учун кечиришингни сўраймиз”, дейсан”,* деди.

*Кўприк эгаси Ҳумайд ибн Ахзар исмли одам эди. У менга: “Абу Абдуллоҳга салом айт ва “Сенинг қилган ишингни кечирдим. Барча мулким сенга фидо бўлсин”, деганимни унга айтиб қўй”, деди.*

*Мен унга бор гапни айтдим. Унинг юзи ёришиб кетди. Кўп хурсанд бўлди. Ўша куни ғарибларга беш юзта ҳадис ўқиб берди ва уч юз дирҳам садақа қилдик”.*

Олим яхши амалларни иложи борича кўп қилиш ҳаракатида бўлар эканлар.

Масалан, Бухоро яқинида бир работ қурибдилар. Одамлар ҳашарга келишибди. Шундай улуғ инсон, халойиқ ёрдамга келганда ишни одамларга қўйиб бериб, ўзлари ёнбошлаб гурунг беришлари мумкин эди. Шундай қилганларида ҳеч ким у зотни айбламасди ҳам. Лекин Имом Бухорий ўзлари ғишт ташиб, ишлаганлар. Одамлар: “Сиз овора бўлманг”, дейишса ҳам кўнмаганлар. “Мана шу менга манфаат беради”, дея ишлашда давом этганлар.

Имом Бухорий бобомизнинг босган ҳар бир қадамлари, қилган ҳар бир амаллари ана шундай — иймону инсоф, адолату виждонга мувофиқ бўлган.

**“Олтин силсила” ҳадис китоблари мажмуасининг биринчи жилди (“Саҳиҳул Бухорий, I жилд”, Тошкент, “Ҳилол-нашр” нашриёти, 2012 йил) асосида тайёрланди.**

**» ЭҲТИРОМ**

# Муҳаббатга қўйилган ҳайкал

Жиззах шаҳрида ўзбек шеъриятининг сўнмас юлдузлари Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимларга қўйилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Ўзбекистон темир йўллари акционерлик жамияти томонидан ажратилган махсус поезд Тошкентдан Жиззахга қараб йўл олди. Кўтаринки кайфият, бахтли кунлар шукронаси чулғаб олган поездда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али раҳбарлигидаги ёзувчилар, шоирлар, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев бошчилигидаги санъаткорлар, Ўзбеккино жонкуярлари, Бадиий академия аъзолари, рассомлар, ҳайкалтарошлар, пойтахтдаги музейлар ходимлари, етук олимлар, журналистлар, Зулфияхоним шогирдлари, улуғ устозларнинг оила аъзолари, дўстлари, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари бор эди.

Ҳамманинг қўлида олтин кузнинг ранг-баранг гуллари. Барчанинг тилида Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг шеърлари, қўшиққа айланган ашъори. Бутун поездимиз гоҳ Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда”, гоҳ “Ўзбекистон” шеърига басталанган қўшиқларини авж олдиради. Зулфияхонимнинг эса “Баҳор келди сени сўроқлаб”ини, “Сени куйлайман, ҳаёт”ига улаб юборамиз. Шу кетишда махсус поездимизга баҳор ҳам, бахт ҳам, муҳаббат ҳам, армону ҳарорат, саодат-да ҳамроҳлик қилди. Поездимиз меҳрикуёшлар юрти Жиззах темирйўл вокзалига бориб тўхтаганда, карнай-сурнайлар садосидан юраклар ҳаприқиб кетди. Атлас ва адрасга бурканган гўзал парилар эгилиб салом бериб кутиб туриши, гул кўтарган йигит-қизларнинг пешвоз чиқиши, Жиззахга кириб бораётганимизда бахтиёр чеҳрали, қувноқ ёшларнинг қўл силтаб олқишлаши гўё “Меҳмонлар келишаяпти”, дея, ҳаммага хушхабар тарқатаётгандек. Юраклардан бу самимиятта эҳтиром таралади:

— Ассалом Жиззах! Қалби боғларидек масрур, тоғларидек мағрур юрт.

Арғувонларидек аъзам, арчаларидек муаззам, ҳавосидек дардларга малҳам ўлка.

Адлу адолат эшиги, муҳаббат ва шеърият бешиги.

Ойқоридек мусаллам, Зоминидек мукаррам, Бахмалидек муаззам юрт.

Бир-бирига асло ўхшамас замонавий услубда қурилган ва қурилаётган бинолар, гулзорлар ёнидан ўтиб, ўзига хос дизайн билан безанган боғ ичига кириб бордик. Боғ тўрида садоқат маликаси Зулфияхоним, уларнинг ёнида бахт ва баҳор куйчиси Ҳамид Олимжон турибдилар. Ҳа, севимли ёри энди абадий унинг ёнида. Ҳа, энди уларни ҳеч бир қайғу айиролмас, руҳларидаги афсонавий қушларнинг қанотини ҳижрон қайиролмас.

Азиз устоз Зулфияхонимнинг “Тўрга ташриф!..” деб бошланувчи шеърини хаёлан такрорлайман:

*Дўст нигоҳда кўрсам ўзимни*
*Маликадай тўрда сезаман.*
*Бир офтоб силаб кўзимни,*
*Бахтлар водийсида кезаман.*

*Илтифотли диллар тафтидан*
*Илҳом қайнар мисоли булоқ.*
*Шеъриятнинг ёрқин тахтида*
*Кўринишдан бахт борми зўррок?*

Бугун Жиззах тўйхонага айланган. Бугун Жиззах катта тўйлар эгаси. Тўйнинг эса таърифлай бўлмайдиган ўз уфори, ёқимли ҳиди бўлади. Бизни мана шу завқу шавқ ўраб олди.

Ҳайкал очилиши муносабати билан боғ майдонида тўпланган жиззахликларнинг кўзларида шукрона, юзларида шукрона.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али ташриф буюрганларни катта эҳтиром билан қутлаб, тадбирни очиш ва табрик учун сўзни Ўзбекистон Республикаси президенти Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султоновга берди. Табрикни тинглаб, муҳтарам юртбошимиз раҳбарлигида миллат маънавияти, маданияти, адабиёти ва санъати ривожи учун амалга оширилаётган ишлар кўламидан яна бир бор мамнуният ҳиссини туйдик. Мустақил юртимизнинг истиқлолини орзу қилиб, асрий армонларида ўтганлар руҳи олдида абадий қарздорлигимизни такрор-такрор ҳис этдик. Ҳамид Олимжон ва Зулфия шеъриятининг боқийлигига ишонч комил қилдик.

Майдондаги табаррук маскан Хўжа Нуриддин мадрасасида Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўзида акс эттирган музей ташкил этилиб, ишга тушгани мамлакатимиз маданий ва адабий мерослари сафини яна бойитди. Музейнинг ўнг томонидаги мактабга Ҳамид Олимжон ва Зулфия номи берилиши республикамиз ёшлари учун ибрат бўлиши шак-шубҳасиздир.

Ҳайкалнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар, Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг келини Риохоним ва бошқаларнинг азиз хотиралари, эҳтиромга қоришиқ сўзлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Сўзлар шеърларга, шеърлар қўшиқларга уланиб кетди. Ҳамид Олимжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқларга барча жўр бўлди. Гарчи атрофда олтин куз, гарчи қўлларда кузнинг ранг-баранг гуллари, аммо дилларда баҳор, кўклам салтанати. Мен ҳам шеърларга, қўшиқларга жўр бўламан. Хаёлан дейман: “Ташаккур сенга, она халқим, шеъриятни улуғлаганинг, муҳаббатга ҳайкал қўйганинг учун.

*Бу тўй шеъриятнинг, сўзнинг байрами,*
*Тошлардан йўл очган изнинг байрами,*
*Баҳорнинг, ҳам олтин кузнинг байрами,*
*Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.*
*Шоир-ла турибсиз, бу чоғ на гўзал,*
*Борлиқ олам гўзал, гул боғ на гўзал,*
*Сизга ҳурмат гўзал, ардоғ на гўзал,*
*Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.*
*Сиз олий тарбия, умри-да олий,*
*Соғинчи-да олий, сабри-да олий,*
*Васли-да олийсиз, ҳажри-да олий.*
*Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.*
*Элнинг шодиёнаси бутун эл келар,*
*Орифлар, фозиллар аҳли дил келар,*
*Дунё шоирлари қўлда гул келар,*
*Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.*
*Олис-олислардан чорладик меҳмон,*
*Жиззахда туташар йўллар қадрдон,*
*Бу тўйнинг эгаси — жон Ўзбекистон,*
*Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.*

**Зулфия МЎМИНОВА**

ЭЪЛОНЛАР

AGROBANK

**«АГРОБАНК»**
акциядорлик тижорат банки
маълум қилади

“Агробанк” АТБ Бошқарувининг 2017 йил 6 ноябрдаги қарорига асосан банк хизматлари учун тарифларнинг янги таҳрири тасдиқланди. Мазкур тарифлар билан банк филиалларида ҳамда agrobank.uz расмий веб сайтида танишишингиз мумкин.

Янги таҳрирдаги тарифлар бўйича хизмат ҳақлари эълони матбуотда чоп этилган кундан бошлаб, 30 кундан кейин кучга киришини маълум қиламиз (хизмат ҳақи нархи туширилган тарифлар бундан мустасно).

**Хизматлар лицензияланган**

Reklama

**Тошкент педагогика коллежи**

*иккинчи мутахассислик бўйича тўлов-шартнома асосида 1 йилу 6 ойлик “Мактабгача таълим” йўналиши:*

1. **“Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячиси”**
2. **“Ихтисослаштирилган болалар мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси”**
3. **“Оилавий тарбиячи”**

*ихтисосликлари бўйича ўқишга қабул қилади.*

*Ҳужжатлар 2017 йил 15 ноябргача қабул қилинади.*

Ўқиш тугагандан сўнг давлат наъмунасидаги диплом берилади.

**Топшириладиган ҳужжатлар рўйхати:**

*1. Ўрта маълумот тўғрисидаги (11-синф) аттестат ёки ўрта махсус касб-ҳунар маълумоти тўғрисидаги давлат намунасидаги диплом иловаси билан.*
*2. Паспорт нусхаси.*
*3. 086-тиббий маълумотнома.*
*4. 3,5х4,5 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.*

**Манзил: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Муқимий кўчаси 186-уй.**
*Мўлжал: Оқтепа бекати, Мебель магазини*
*Тел: 278-55-64, 278-48-65*

**» БУ ҚИЗИҚ!**

Тарихий фильмларимизда илм ва адабиёт аҳлининг китоб мутолаа қилаётган лавҳаларига кўп бора кўзимиз тушган. Улар китобни ерга эмас, махсус буюм — лавҳ устига қўйиб ўқиганлар.

# Лавҳ тарихидан бир шингил



Китобни беҳад эъзозлаганлари, муқаддас билганлари бунинг биринчи сабаби бўлса, лавҳдан фойдаланишнинг яна бир муҳим жиҳати бор. Бу фақатгина XX асрга келиб бошқаларга маълум бўлди: мутолаа қилаётганда кўзларимиз қоғоздан маълум масофа узоқликда бўлиши, ётган ҳолда ўқиш ёки ёзиш саломатлик учун зарарли экани аниқланди. Лавҳ эса тиббий жиҳатдан зарарсиз мутолаани таъминлайдиган муҳим воситадир.

Тарихни ўрганишда ашёлар муҳим аҳамиятга эга. Қадимшунослар уларни тайёрлашда қўлланилган воситалар, безаклар, нақшлар орқали буюмнинг ясалган вақтини аниқлашади. Қолаверса, маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар маълум бир даврдаги маълумотларни солиштиришда ҳам асқотган.

Тарихий манбалар лавҳнинг бир неча минг йиллик тарихга эга эканини кўрсатади.

Одатда лавҳлар ёғочдан ясалган. Бироқ Амир Темур даврининг ноёб архитектура намунаси саналмиш Бибихоним масжидининг (Самарқанд шаҳрида) ҳовлисида сақланаётган улкан лавҳ мармардан ясалгани билан алоҳида ажралиб туради. Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида ҳам мармардан ишланган лавҳ эътиборни тортади.

Одатий ёғоч лавҳлар ясалиш услуби туфайли ҳақиқий санъат асарлари ҳисобланади. Усталар лавҳ учун аввало пишиқ ёғоч танлашади. Кейин уни махсус асбоблари ёрдамида кесиб, йўниб, ўйиб ишлашади. Қизиғи шундаки, лавҳни тайёрлашда, ёғочларни бириктиришда ҳеч қандай елим ёки михдан фойдаланилмайди. Асрлар силсиласига бардош берган ушбу ноёб буюм йиллар давомида, моҳир уста-ҳунармандлар қўлида такомиллашиб, янгича ва мураккаб кўринишга эга бўлиб борган.

Бугун лавҳ кундалик ҳаётда ишлатилмайди, бироқ унинг аҳамияти бу билан пасаймаган. У халқимиз амалий санъатининг нодир дурдонаси сифатида кишилар эътиборини ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда.

**Шабнам АЗИМОВА**

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080—рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 2620 Буюртма — V-419 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел—факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91
**Топшириш вақти — 20⁰⁰ Топширилди — 18⁰⁰**

ISSN 2010-7528
*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.*
**Навбатчи:** Хуршид Маъруфов
**“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30—уй.**